Зулфия

Тонг билан шом аро

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз2
З—91

Зулфия.
Тонг билан шом аро: (Шеърлар).Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. — 136 б.
Чиқиш маълумотларида авт.: Зульфия (Исроилова).

Зулфия шеърияти инсон қалбининг чуқур кечинмаларини, дардини, юксак орзуларини теран, қуйма маънода ифодалайди. Ушбу китобга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг сўнгги йилларда яратган энг сара шеърлари жамланди.

Зульфия. Между восходом и закатом: Стихи.

Ўз2

З $\frac{4702570200—248}{М\ 352\ (04)—85}$ Доп. 85

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОНГ

Мендан бошланади уйда уйғониш,
Зеро, уйқу нима билмаган жонман.
Менга жуда мушкул яшашдан қониш,
Сафардан бир нафас тинмас карвонман.

Тонг сувратин чизмоқ бўламан ҳамон,
Юрак тўлқинига етмайди ранглар.
Табиат нақ шу кун туғилгансимон
Ҳар гал ҳамма ёқда янги жаранглар...

Ажаб!
Тўп-тўп...
Бу не мўъжиза, рўё,
Томирларда сездим баҳорги ирмоқ.
Ҳаёт ибтидоси каби бу садо
Наҳот бўлди тандан чарчовни қувмоқ?
Угрилиб қарайман;
Маъсум мўъжиза:
Бу — менинг набирам!
Бошлабди қадам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисли шўх айиқча, полопон, жўжа —
Овдир-довдир йўлин бошларкан одам.

Лапанглаб одимлар... борлиғи журъат,
Нақ паға булутга тушар оёқлар.
Мурғак, муштдай жонда бор ҳаёт, қудрат,
Тонг рангда шафтоли, момиқ ёноқлар.
Оғзи, кўзларидай очиқ кенг қулоч,
Набирам қадамлар!
Ёш дорбозсимон

Лангардай елпийди икки қўлини.
Аср! Қопқаларинг борлигича оч,
Бу кекса заминда яна бир Инсон
Тонг билан бошлабди буюк Йўлини.

Билмайман!
Бу нотинч она жаҳонда
Шу тонг йўлга кирди не сон-минг гўдак?
Қимнингдир илк йўли йўқолди қонда,
Ёт изғин кудуриш ўқ отди жувонмарг?



...Сарҳисоб чоғимас,
Маслак бир талай.
Узун умр ато қилган толеим.
Жаҳонда ўқ товшин ўчганин билмай,
Дунёдан тинчгина кўз юмади ким?

Ҳамма чегарани суриб нарига
Битта минтақада яшар Ер, фазо.
Сен кўрмаган элу юрт ҳар дардига
Тинглайсан дилингдан бир акс-садо.

Ерда ҳаёт битта,
Аммо минг тақдир,
Барин кўтармоғи вожиб шу бир Ер.
Вожибдир чарақлаб турмоғи офтоб.

Ҳаёт кундан-кунга ширин,
Лек мушкул,
Сенинг кўзинг ўткир,
Замон ҳам шаффоф.

Билгинг,
Қилгинг зарур иш салмоғи зил,
Тортмоққа асаблар берармикан тоб?..

Гуркироқ ўсмамга қиш қор отганда,
Севган дафтар бирдан қолганда тугаб,
Ярашиқ кўйлагим юпқа тортганда,
Эрка дўст қўққисдан кетганда жўнаб;
Қалбим,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вужудимни қамраб изтироб
Нотавон ачиниш қучганда танни,
Билмабман:
Не экан гулни ардоқлаб —
Парвона капалак олиб кетгани?!
Билсам:
Кўп улушин бой бермиш умр:
Йиллар алдаб, нимлаб олиб кетибди.
Исёнкор,
Думбул руҳ ўрнига
Сабр,
Матонат,
Ишқ,
Меҳнат сўзин битибди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕНИ ҚУЙЛАЙМАН, ҲАЁТ!

Яшаш азиз ҳисси танда кезганда,
Умр кўпи кечиб, армон дилни эзганда,
Ҳатто ўзни хаста, заиф сезганда,
Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда
Сени куйлайман, ҳаёт!

Ҳар саҳфанг ўқилгич янги бир китоб,
Ўтмишми, эртами туғилар ҳар боб —
Яшаш ва ёзишга қилганда хитоб,
Сукут хижолатин енгмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Ҳар фасл бир ажиб тароват тўкса,
Тўкин куз ҳосили шохларни букса,
Янги ризқ-ёмғир, қор тоғларга чўкса,
Баҳор гулин кўзга суртмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Сен ўзинг кун сари ўсган фарзандим,
Гоҳ чақноқ шодлигим, гоҳ аччиқ зардим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳнат зафарларим, бешифо дардим,
Дўстдан меҳр — мактуб кутмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Сенинг ўзинг ширин ва тансиқ туҳфа,
Ҳар умр бахт шонин йўғурар супра,
Йўғурмоқ минг тахлит ва минг бир турфа;
Бу мактабни қайта ўтмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Куйлайман, куйламоқ кун сари мушкул,
Мен сенман, сен менинг борлигим буткул.
Елкамга юк ортиб, қўлимдан тутгил,
Бу бахтни назмга тўкмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕЛ, БАҲОР!

Кел, баҳор, қуриган саҳрога
Илк ёмғир берар гулсимон, кел!
Айланмай қон дилда сафрога,
Жонлансин, энг қодир ҳаёт бер!

Тарса-тарс ёрилган чўллардек
Юрак чок, бутунмас,
минг бир дарз.
Томир ҳам қатқалоқ йўллардек,
Қоқилса, чап бериб яшаш фарз.

Кел, баҳор, инқилоб сингари
Итқит қиш қобиғин жонлардан.
Қўйма у дарзларни сингани,
Пайвандла энг жасур ранглардан.

Сарғаймас баҳордек диёрим
Қадамин ларзасин илғай мен.
Яшартиб бу кўҳна дунёни,
Довруғлар солганин билай мен.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳеч баҳор, тупроқда уйғониш
Ўтдими қалбимнинг ёнидан?
Баҳорда туғилдим!
Унга эш
Яшашнинг қонуни қонимда.

Қулочим етмайин қучишдан
Уч, завқ-ла қўшиқлар юғургум.
Иккимиз басма-бас юришдан
Ҳар сафар янгидан туғилгум.

Ҳар гал сен янги,
Мен навқирон,
Фарзандлар кутар,
Мен этсам тарк.
Баҳорни тарк этса бор инсон,
Жаҳон ҳам бўлмасми
жувонмарг?..

Кел, баҳор!

www.ziyouz.com kutubxonasi

САЛОМ, ТАНСИҚ БАҲОР!

I

Яна кўк тубида сайрайди қушлар
Яна ерда кўҳна ям-яшил кўрпа.
Яна тандан кетди мудрашу тушлар,
Яна ёшдай дилда ўйлар минг турфа.

Гар ибора қадим, қофия сийқа,
Аждод ўлмаслигин ҳақиқати бу.
Баҳор дединг — бирдан олам антиқа
Ва сенда энг ёлқин, тирик бир туйғу.

Ёшингни, дардингни, изтиробингни
Бир силкиниш билан отасан йироқ.
Хаёлинг етмаган, умид тутмаган
Энг йироқ уфқлар келар яқинроқ.

Ва сен яна қалби оташга тўлиқ,
Тоғни талқон қилгич қудрат танингда —
Меҳнатга тушасан, ҳосил ҳам бўлиқ;
Бу йил етилажак шонда ақалли
Заррача маҳсулинг бўлиши аниқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II

Эй, баҳор, тўймагич жоним бор,
Сен билан туғилди гар эгиз.
Борлиғинг қучмоққа ҳолим бор
Ишлайлик йил бўйи иккимиз.

Яралиш — туғилиш удуминг
Чарчаган қонимга эт пайванд.
Йил бўйи яшил сув, кўк нуринг
Томирда югурсин юз минг чанд.

Йил бўйи ниҳолдай сарғаймас
Саратон зуғмига берай дош.
Қаҳратон қаҳридан мунғаймай,
Қонимда кез, яшил, Ёш Қуёш...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нақадар ер жамоли ажиб,
Ҳар сония суврати ўзга.
Кезмоқ мумкин овозда оқиб,
Тутмоқ мумкин ҳавони кўзга.

Сўзсиз, куйсиз маҳлиёликни
Аташ мумкин жарангли достон.
Ҳаёт номли рўшноликни
Мўйқалам-ла чизмоқдир осон.

Лекин мени отар бир ўйга,
Ҳар бир ранги олади кўзим.
Гиёҳлари маст этиб бўйга
Қайта мафтун сезаман ўзим.

Ва мингбора айтган қўшиқни
Такрорлашдан ҳеч қилмайман ор.
Такрор изҳор этиб қуллуқни
Ўлгунимча куйлайман такрор...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУЛ ҚЎШИҚЛАРИ

I

Ерда гул, қўлда гул, чаккаларда гул,
Гул бўлиб кўринар кўкдаги қуёш.
Бахтдай яшартириб инсон дилин ул,
Ҳар тақдирга бўлди у мангу йўлдош.

Ўтмиш зулматининг ботқоқларини
Кечиб-янчиб бизга яшнаб чиқди ул,
Кезиб, юртим шаҳар, қишлоқларини
Қўраман, сарғаймас ҳаёт номли гул.

Ва ҳаёт боғбонин кўраман аён
Еру элни тутган яхлит бир нурда.
Ленин, ўлмас Ленин — шу буюк боғбон,
Бахтни йўлдош қилган мангу умрга.

II

Кўз йўлда, қўлингда даста ёниқ гул,
Висолдан туҳфами ё унга муштоқ?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жисминг толса ҳам кут, толарми кўнгил,
Келар йўли қанча бўлмасин узоқ.

Келарнинг келишин бўларми кечи,
Дилни кутиш ўти тарк этмаса бас.
Ишққа гирифторнинг интиқ севинчи
Висол майидан ҳам ширин этар маст.

III

Тонгда сўз қудуғин тубига чўкиб
Ахтарардим дур,
Тонгдай соф туйғулар қалбимда жўшиб
Қаламинг ол дер.
Шу жўшқин туйғудан азиз, чақноғин
Бўлардим олмоқ.
Қалам қодир энди, лойиқ салмоғи
Олиб нақ чақмоқ
Чақнатишга, унга қўшиб юракни,
Керак бўлса жон...
Ажиб бўйга кўмиб ён-тевараклни
Тутдилар райҳон...
Мен энди ифори бу туҳфадан маст,
Унутдим тонгни.
Бу меҳр йўлига биргина
Сочдим илҳомни...

www.ziyouz.com kutubxonasi

IV

Қўлингда ёқуту дур, гавҳар тус гул,
Бахтнинг рухсоридай ранг-баранг ёниқ.
Олдда нигоҳингдан чўзилган у йўл,
Наҳот висол дамин қилолмас яқин?

Сочиб юбор барин ишқ йўли бўйлаб,
Ҳар баргидан унсин бир орзу боғи.
Бир кун соясида авлодинг тўплаб
Сўйлайсан на мушкул севги ардоғи.

Жаннатдан терилган бўлса ҳамки, соч,
Энг бахтли қўлда ҳам гул сўлмай қолмас.
Сен ишқнинг ўзига мунис дилни оч,
Дилдан бир япроғи бежиз йўқолмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎРТЛИҚЛАР

* * *

Мен ишқ эдим,
Ишқдан мастдим беармон,
Уттизга етмай бир зарбдан уйғондим.
Кейин олтингугурт оловисимон,
Кўринмай ҳижроннинг доғида ёндим...

* * *

О, муҳаббат, кўрсат қиёфанг,
Бисотингда ханжарми, ё май?
Гоҳ қалбларни яйратиб чексиз,
Гоҳ жароҳат соласан қиймай...

* * *

Кимки аёл дилига ҳоким,
Идрокидан сезади устун.
У олмаган чўққи йўқ,
неки,
Аёл ўзи чўққидир бу кун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фақат меҳру вафо қилганмиз ато,
Покиза ҳисларга фарзанд бу ўғил.
Келиним! Энг гўзал, мунис, мусаффо
Туйғулар ҳаммасин сенга берсин ул.

* * *

Боланинг ҳар дарди — таннинг оғриғи,
Унга тикан кирса оғриғи санда.
Оҳ, онам! Айтинг-чи, она борлиғи
Худди шундаймиди яралган ондан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЗОД ШАРҚ АЁЛИ

Контата

I

БУНЧА ҚИСМАТ ШУР ЭКАН!

Нотавонман, бу на шафқатсиз замон,
Чоҳми ё, дўзахми бу зулматга кон?
Тонги йўқ оқшоми йўқ, бу кенг жаҳон
Биз аёлларга қафасдай тор экан.

Бир нафас кўз очгали қўймайди зор,
Кўкрагимни доғ этиб тўймайди зор,
Бу қаро девор ичинда ғамгузор
Ҳар аёл, ҳар қиз Ватанда хор экан.

Тимқаро сочимми, ё бахтим қаро?
Ишқ ноошкор, дил мотамсаро,
Умр ўтар қашшоқ, тутқунлик аро,
Бизга то ўлгунча зулмат ёр экан?

Беқанотман, тортганим танҳо азоб,
Дил хароб, кулбам хароб, ўлкам хароб,
Нур сароб, ҳурлик сароб, орзу сароб,
Бизга рўшнолик бирон кун бормикан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

II

ЭШИТАМАН НАЖОТ ОВОЗИН

Қайда, қайдан нажоткор садо,
Бу курашга чорлаган овоз:
«Қул, асира, нотавон, гадо,
Қаддинг ростла, нурга қанот ёз!

Нафрат тўла, орзулар тўла,
Диллар уйғоқ, тилаклар уйғоқ.
Чиркин дунё тахтин бир йўла
Ағдарувчи билаклар уйғоқ.

Сен ҳам уйғон, кўҳна, улкан Шарқ,
Шимол ёқда тўлмакда баҳор.
Қўзғол, заҳмат эзган шўрли халқ,
Бу курашдан четда ётмоқ ор!

Уйғон, уйғон, жафокаш аёл,
Халқинг билан шайлан курашга.
Ҳаёт овозига қулоқ сол,
Чорлар сени озод яшашга.

Тонг нурини тўсган юзингдан,
Тушсин қаро чиммат, пардалар.
Етар, ёшинг тўкма кўзингдан,
Қафасларни синдир, парчала.

Кўз оч, барча заҳматкаш уйғоқ,
Ватан узра чиқмоқда қуёш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлда байроқ ишчи рус ўртоқ
Йўл бошлайди, юр жангга йўлдош!

III

ЖАНГ БОРАДИ

Жанг боради, қонли жанг,
Тупроқ учун, нон учун.
Жанг боради, қонли жанг,
Ҳурлик учун, шон учун.

Жанг борар, эзилганлар
Зулматга очган олов.
Тенглик, ҳурлик деганлар
Қўлида алвон ялов.

Жасоратли сафларда
Жанг қилади аёл ҳам.
Дил муқаддас ғазабда,
Курашдан тинмас бир дам.

Бирини ғарқ этса қон,
Урнин босди минг нафар.
Қуллик этилди яксон,
Жаҳонни тутди зафар.

Россия тупроғидан
Кўтарилди оппоқ тонг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Октябрь «Аврора»дан
Бахт ҳақида урди бонг.

IV

АССАЛОМ, ОФТОБ

Янги Шарқ устида балқди Инқилоб,
Тақдирни ёритди ёрқин офтоб.
Зулматнинг, кулфатнинг отилди тахти,
Меҳнаткаш инсоннинг очилди бахти.
Бу кураш, инқилоб, Ленин — Сен ўзинг,
Яшнаган офтоб, Ленин — Сен ўзинг.

Паранжи, чимматни отди қиз-жувон,
Ҳаётга тенг, озод боқди қиз-жувон.
Бахт тўқиш, илм ўқиш, ижод, ҳур хаёл,
Ҳур замон соҳиби бўлди ҳар аёл.
Бу жамол, бу қувонч, Ленин — Сен ўзинг,
Бу камол, бу ишонч, Ленин — Сен ўзинг.

Ер озод, эл озод, тилаклар озод,
Ижодкор, заршунос билаклар озод.
Яшнайди кундан-кун обод ўлкамиз,
Жаҳонда ягона, озод ўлкамиз.
Бу толе наққоши, Ленин — Сен ўзинг,
Бор бўл эл қуёши, Ленин — Сен ўзинг!

www.ziyouz.com kutubxonasi

V

ДУТОРИНГНИ ҚЎЛГА ОЛ!

Бунча гўзал нурга кон,
Бунча жаҳон кенг экан.
Бунча азиз, меҳрибон
Жонинг билан тенг экан.

Эй кокили тол-тол,
Дуторингни қўлга ол.
Бахтиёр давринг берган
Замонангни куйга сол!

Тоғ бағрини оралаб
Оқар ёрқин шалола.
Дала кезиб, саралаб
Қизлар терар гул-лола.

Шафтолизор, анорзор
Боғлар тўла хушхон най.
Ҳаётингдан кетгач зор
Дил тинармн куй айтмай.

Дала, қирлар меҳнатдан
Ҳосилга кон Ватан бу!
Ҳар уйга кирган бахтдан
Дил нурафшон Ватан бу!

Эй кокили тол-тол,
Дуторингни қўлга ол!
Бахтиёр давринг берган
Замонангни куйга сол!

www.ziyouz.com kutubxonasi

VI

ЮЛДУЗГА ҚЎНГАН ЎЗИНГ

— Тонг билан ял-ял ёниб турган қизлармиз,
Қуёшдай нозланиб кулган қизлармиз.
— Серофтоб, серқўшиқ қир-далаларда
Оқ олтин ўстирган мардлар бизлармиз.

Йўлимиз заводга тушар сой оша,
Дилларда меҳнатнинг шодлиги тошар.
Саройдай ёп-ёруғ фабрикаларда
Тўқиган шойимиз қилинг томоша.

— Пахтакор бўлган ўзинг,
Бастакор бўлган ўзинг.
Атласдан ясаб қанот
Юлдузга қўнган ўзинг.

— Атласдан, шоҳидан қанотимиз бор,
Баҳордан чиройли ҳаётимиз бор.
Чўлларни гул этган, боғларни бўстон,
Самони забт этган саботимиз бор!

— Озод Шарқ эркаси, куйла баралла,
Меҳнатдан, роҳатдан, бахтдан жарангла!
Бу гўзал ҳаётнинг ижодкорини
Куйлайлик, дугона, баралла ялла!

www.ziyouz.com kutubxonasi

VII

БЎЛСИН ХАЛҚ ОМОН!

Меҳрибон юрт яшнар, ўсар нур ичра,
Ундан азиз тўтиё йўқ дунё, дур ичра.
Адолатда, саодатда бахтиёр халқлар,
Янги шодлик ижод этар бир ғурур ичра.

Бунда ҳар ким тенг ва ўртоқ, тақдир нурафшон,
Билак озод, тилак озод, ҳалол шараф-шон.
Қушдай яйраб, ўсар гўдак ардоғимизда,
Бахтимиз-чун курашганлар эъзозда шодон.

Локин жаҳон нотинч ҳамон, жоҳил бор, ёв бор,
Неча эллар тинчин бузган мудҳиш олов бор.
Йўқ, бу олов ютар ўзин, олмас аланга,
Йўлин тўсар бизнинг ғазаб — муқаддас ғов бор.

Жондай асраб, ардоғлаймиз ҳурлик тахтимиз,
Баҳор тахлит толе яхлит, боқий бахтимиз.
Бахтимиздан яна гўзал манзиллар чорлар,
Бизга йўлдош, суръатга бош ёрқин аҳдимиз.

Шарқ аёли, мард, иболи, хушвақт, хушжамол,
Ҳур Ватанда кундан-кунга топар минг камол.
Партиямиз омон бўлса, бўлса халқ омон,
Юрт тинч бўлур, бахтли бўлур, толе безавол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕМАК, БАҲОР КЕЛДИ...

Синди қиш тўқиган муз ҳисли қафас,
Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.
Она нигоҳидай мулойим нафас
Замину Осмонни бағрига олди,
Демак, баҳор келди.

Бу нафасдан ерда кексаю ёшнинг
Одим, чеҳрасида эзгу рўшнолик.
Дов-дарахт кияжак зилол либоснинг
Зилол барин тутиб югурар шодлик,
Демак, баҳор келди.

Келар деб шу сийқа қадим йўл билан,
Эзгу интиқликда кўпчибди тошлар.
Не такрор, бетакрор илиқ қўл билан
Сочмоқда гулларга ишқдан қуёшлар,
Демак, баҳор келди.

Саховат момоси — тоғнинг кўксидан
Кўпириб, ҳайқириб сути тўкилмиш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зарраси сочилган музлар устида
Шошқалоқ ғунчалар чоки сўкилмиш,
Демак, баҳор келди.

Ҳамиша неъматга ҳомила тупроқ
Тўлишган танини солмиш офтобга,
Деҳқон қулоғига таниш қўнғироқ —
Жарангдор куртаклар етибди тобга,
Демак, баҳор келди.

Яна бедор, маъсум тун оғушида
Одимлайди сирлар,
ширин шивирлар.
Бетобе шаббода нур ҳовучида
Юлдуздай сепмакда жоду, сеҳрлар,
Демак, баҳор келди.

Келди баҳор!
Кетар ташлаб уйқониш,
Бутун куррамизга битта баҳор у!
Одилми, қотилми — ҳар жонга таниш,
Меҳр маъбудаси наврўз-наҳор бу,
Ахир, баҳор келди.

Бу кун йўлларида олов кўп, зор кўп,
Жаҳонда қанча жон чиқмайди пешвоз.
Деҳқон уруғ сочсин,
ўқ сочмасин тўп,
Қувғин эллар қушдай юртга
қайтсин боз,
Ахир, баҳор келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

На маъсуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.
Давлатлар!
Илтижо,
фармон,
исён бу:
Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,
Баҳор боқий келсин!..

Аянч тақдирларга бўлиб таянчлар,
Бахтлига ишонч у, бахтсизга толе,
Абад қонунидир элтмоқ севинчлар,
Қабоҳат, ҳунрезлик бўлмасин моне,
Баҳор боқий келсин!

Ўқ ортган кемалар денгизга ботиб,
Чирисин!
Тин олсин эллар, оламлар.
Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!
Баҳор боқий келсин!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Менга хасис келди табиат,
Шодлигимга алам қоришиқ:
Кутиб олдим баҳорни бетоб,
Танимдаги дард-ла олишиб.

Ҳамма ёқда шаббода ва гул,
Қум ҳам, тош ҳам таратар жаранг.
Мен-чун яшаш шундай ҳам мушкул,
Жуссамни тик гутаман аранг.

Хасис келди табиат менга...
Баҳорни ҳам кўрмакда зое.
Қаердадир ўхшаб нақ тонгга,
Ял-ял ёниб туради толе.

Толе ҳаёт номли жозиба,
Умр бўйи сен унга мафтун.
Бўлмас сендан ночор, ожиза
Умидлардан қўл силтаган кун...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮЛДУЗЛАР АЛЛАСИ...

Юлдуз на иситар, на ёритармиш,
Табиатда бундай мантиқсизлик кўп.
Боқсанг кўз гавҳаринг оғритар эмиш,
О, бундай ҳақиқат менга таниш хўп.

Мендан сўранг унинг шивир-шивирин,
Дилни не лаҳжада киритган тилга.
Ҳар чақнаши ағдар-тўнтариб фикринг,
Ширин маст этганин ўт солиб дилга.

Дилни соғинч дарди ёқса ногаҳон,
Ёмғирдай бир йўла юлдуз ёғилур.
Кириб томирингга сендан ҳам пинҳон,
Ёз офтобисимон шодлик ёқилур.

Фақат у юлдузнинг билсанг борлигин,
Юлдузим деб билса кимдир сени ҳам,
Дард, андуҳ, масофа йўқолиб секин,
Юлдузлар алласин биласан малҳам...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тинмай оғрийди бошим,
Қўз очишга мадор йўқ,
Ботди умр қуёшим,
Дарднинг булути қуюқ.
Чоғи...

Унмайди ишим,
Ўкинчдан оғрир юрак.
Бу яшаш, бу бир турмуш
Унга тоб бермоқ керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сен дейсанки, муҳаббат сўнмас,
Ва қонингда кезади олов.
Кўзингдаги мен билган ўтмас,
Заифлигинг ва мени аёв.

Мен дейманки: муҳаббат бу-мас,
У музда ҳам ловуллаб ёнар.
Олов номли кучга бўйсун-мас,
Ула туриб азобдан ёнар.

Чиққанда ҳам жони танидан
У сен билан тирик қолади.
Совуш топсанг музнинг дамидан
Жунбиш гирдобига солади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎРИКЛАР ГУЛЛАР...

Шоир севган ўлка кўксида
Хушбўй баҳор кезиб юради.
Не бағ! Ҳатто қоя устида
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

Жуда ҳам кўп гуллади ўрик,
Зеро, чўллар боғ бўлиб кетган.
Ҳамма ерда очилган қўриқ,
Юртин халқи гулистон этган.

Дўсту ёрлар жамулжам бу кун,
Азиз номинг меҳр нурида.
Минг бор узр,
бугун сен учун
Мен ўлтирдим тўйинг тўрида.

Бугун сенга тўлмиш етмиш ёш,
Ярми биздан қайларда кечди?
Ўттиз беш бор гул очиб қийғоч,
Ўттиз беш бор ўриклар пишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орамизда сени мўйсафид
Кўрганларнинг билмам номини.
Куйлаб ишқни, тонгни муттасил
Менга қўйдинг умр шомини.

Мен шомлардан саҳарлар ясаб,
Ўттиз ёшли бўлиб юраман.
Ҳар баҳорга чиққанда қўмсаб,
Қайноқ қўлларингдан тутаман.

Ва юраман ёнингда ўктам,
Эл омонлик этар сени шод.
Сени кўрган ва кўрмаган ҳам
Бу муборак номинг қилар ёд.

Ва биласан кексармас умринг,
Дондай ёйиқ йиллар қатига.
Куйлай бериб ёшлик қўшиғин
Мангу қолдинг ёшлик фаслида.

Не-не гўзал ёшликлар келар,
Умри боқий ҳаёт йўлида.
Ўшанда ҳам ўриклар гуллар,
Сен бўласан диллар тўрида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТЛАРИМ...

Нақадарлик оғрийди бағрим,
Ўзни танҳо сезаман букун,
Дўстларимнинг соғинчи, баҳри.
Юрагимда кўтариб тўлқин —

Гирдобига олди борлиғим,
Барчасини чорласам ёнга.
Суҳбатларга ташна, зорлигим
Сиғмаяпти ёруғ жаҳонга.

Қаламимнинг юриши хитроқ
Бўлса, сизга интиқлик сезгум.
Фикрим парвозлардан йироқроқ
Қолса сизни ахтариб кезгум.

Ва топганда қайноқ баҳсларда
Майли, заиф сезсам ўзни гоҳ.
Дил ўт олар, бу оташларда
Пўлат ўтдан чўғ олган сиёқ.

Чақнаш билмай сояда изи,
Яшагандан чақмоқлик афзал.
Сокинликни севмайман ўзи,
Ўлсам ўлай, дўстлар жам маҳал.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОИР УЙИДА

Самад Вурғун хотирасига

I. УЧРАШУВ

Тонгдан хаёлимни ажиб руҳ безар,
Ясан-тусандаман бир ҳаяжонда.
Хазар тўлқинимас, бир тўфон кезар
Ҳам шодлик, ҳам афсун қамраган жонда.

Бугун бутун ўлка Вурғунга меҳмон,
Мен ҳам.
Қалб тўфонин босмоққа йўқ куч.
Мен бу зиналардан юрмоғим маҳол,
О, юрак!
Ҳаётда бир бўлса ҳам уч!

Уч!
Мармар зиналар совуқ кўксида
Ловуллаб чақнайди у тирик излар.
Наҳот юрмоқдамиз излар устида
Соғинган, гуноҳкор дўстлари — бизлар?

Уч, менинг юрагим, жисмим олиб уч,
Пиллапояларга босмайин қадам.
Юксак бу аршдаги мангуликни қуч,
Садоқатинг кўрсат бу муқаддас дам!

www.ziyouz.com kutubxonasi

О, мармар зиналар,
Тилсиз шоҳидлар!
Шоир юрагида кўчкилар кўчиб,
Илҳом қанотида бургутдай учиб
Гоҳ ҳорғин, гоҳ чақин бўлиб ўтгандир?
Мафтунлар,
Мухлислар,
Интиқ шогирдлар.
Шаъни, куйи тенгдош не-не шоирлар
Бу пок остонада мендек кутгандир?

Ҳеч кимни куттирмай чорлаган шоир,
Бутун Озарбайжон тупроғи бўлиб.
Кир, юрак, гар эсанг учишга қодир
Мезбон кутиб қолди, меҳрга тўлиб...

Ё раб!
Ҳамма, ҳар не бунда эгасига зор!
Рафиқа, фарзандлар, қалами, сози...
Бизнинг қулоқларда ёниқ, фусункор
Тирик нафаси-ю, ўчмас овози...

Қалб!
Азиз изларнинг устидан эмас,
Эргашиб киришда менга бердинг куч,
Энди висол дамин севинчидан уч.

II. БИР ДОНА ПАПИРОС...

Мен папиросни севган, чеккан эмасман,
Илк бор папиросни билдим муқаддас.
Маҳбубга оташин бера билмасдан
Қолган юрак каби бежон-у бесас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўзларга кўринмай, тутаб тугамай,
Сени кутиб, ёниб ётибди гўё.
Агар бўлса ичилмайин қолган май
Қуриб йўқоларди мисоли рўё.

Бор вужудни жаннат ўтида ёққан
Ижоднинг муқаддас, мунис макони —
Столинг устида ятим, заъфарон
Бир папирос қолмиш!
Эй, Шеър хоқони,
Сен қанча юракни забт этдинг бежанг,
Қай куч сени этди хумордан маҳрум?
Сендай алп қудратнинг ҳолин этиб танг
Кекса ҳасадига этдими маҳкум?
Бир дона папирос қолмиш чекилмай,
Сенинг лабларингнинг оромига зор.
О, қанча қўшиқлар қолди битилмай,
Бизнинг дилда янги очолмай гулзор.

Бир дона папирос қолди чекилмай,
Қанча чекилганин билмасдинг ўзинг.
Бир тасалли:
Мангу сарғайиш билмай
Ҳар дилда минг баҳор очиб ҳар сўзинг,
Жисмида она-юрт қўшиғин олиб,
Сен кезмаган жаҳон кезиб юрибди.
Бир дона папирос ёнолмай қолиб,
Номинг қуёш янглиғ порлаб турибди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚЎШИҚ

Рассом Чингиз Аҳмаровга

Гўзаллик ҳақида шеър ёзиш мушкул,
Буюклик фикрингни қилганида лол.
Иккиси олдида рост келсанг буткул,
Ташбеҳга мазмунни жуфтлаш ҳам маҳол.

Гўзаллик олдида лол қолганим кўп,
Бўёқлардан ҳайрон, туйғулардан маст.
Иккиси бир йўла сеҳрида тутиб,
Энтиктирган дамда шеър ёзиб бўлмас.

Неча жазм этганман назм тизгали
Ҳайрат бўронлари савалаган дам,
Қўймади ёзмоққа журъат қилгали
Сиздаги маҳорат, ёниқ мўйқалам!..

Бугун ҳам қўшиққа сололмай ҳалакман,
Афтидан жодули сиз қайда, мен қайда?
Заковат сеҳридан бир масту аластман,
Туйғусиз тош дил ҳам кайф топар бу майдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Табиат сабоғин бахш этган чоғ сизга
Билдими, сўнг ўзи ёнишин бир рашкда?
Лоқайдлик, дағаллик суқулса гоҳ бизга,
Маҳв этар сиз чизган бир жайрон қарашда.

Сиздаги қалб кўзи, мўйқалам тиғ учи,
Асрлар тубига киради журъатли.
Тафаккур, тасаввур аталмиш чўғ кучи,
Тирилтар тангри ҳам унутган сувратни!

Қарайман:
Мардум, шоҳ сиймосин рамзига;
Шоҳ, хоқон ҳар замон, маконда бир тоиф,
Диллардан эзгулик, кўзлардан интиқом боққанда,
Сойларга қулаган тошсимон у ғойиб!

Аждод-ла висолдан кўкларга етар бош,
Бу — меъмор, бу шоир, бу фаллоҳ,
Ўлмаслик қасрига тирноқ-ла
Гул ўйиб сўнг унут бу — наққош!
Бу — не бахт, на имдод тамаъда чўзмаган қўлини,
Беш аср йўл ўтган жинсимга қарайман:
Шафтоли ёноқда қотган ёш дўлини
Қайноқ бир сукутда меҳрли киприк-ла тарайман.

Тақдирга тик боққан нигоҳдан ногаҳон оқар муңг,
Мунг эмас, топталган туйғулар қасоскор қўшиғи!
Қарангки, танозил асрлар уйқуда ётган сўнг
Куйдирар иболи кўзларнинг қоп-қора ўт чўғи!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу гулрў — на бека, малика!
Бир эрксиз канизак,
Гарчанд зар ва нурдан тўқилган пешонабоғ бошда,
Бир тунлик ҳирсият қурбони!
Тақдирдан нафрат-ла кулгандек
Ярқирар бокира бир поклик чимрилган ҳар қошда.

Хижилман сўз топмай маҳорат, бу санъат нақлига,
Куйлолмай муносиб ва жозиб жарангли бир найда.
Бу ранглар, бундай зид туйғулар жангини ақлга
Сиғдириб, баёнга солмоқлик қайдаю биз қайда?

Ҳар ерда қалбингиз ранг бўлиб сочилмиш:
Муҳаббат ва ғурбат, садоқат, адоват достони бўлиб
гоҳ.
Саройлар девори, пештоқдан,
Зарварақ, сувратдан
Гоҳи тонг, гоҳ шафақ сингари боқади ярқираб.

Ўзбекнинг ўтмиши,
Бугунги инсоннинг шуҳратин жаҳонни тутмиши,
Сиздаги заковат кучидан
Ёмғирдан сўнг чиққан офтобдай очилмиш,
Қўшиққа айланмиш сеҳргар мўйқалам ном найда.

Сиз эса яшайсиз, бу камёб шуҳратга бериб чап,
Меҳнатга бахшида умрнинг ҳар дамин —

Ижод-ла эркалаб,
Заҳматдан бахтиёр!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаноат, мағрурлик қайдаю
Санъатга фидолик,
фарзандлик қайда?
Санъатнинг қиммати ўлчанмас олтину дур билан,
У мангу — диллардан жой олса бахш этган
байрам-ла!
Тасанно, маҳлиё, ташаккур сўзларин ёзишга нур
билан
О, суюк мусаввир —
Биздайин камина муҳлисда куч қайда,
Сиз қайда?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИ ШЕЪР

Қайсин Қулиевга

ҚЎНОҚ

Тоғликлар ўлкасин бургут сиёқли
Сахий, ўктами,
Бугун қўшни бўлиб қолди йироқли
Қардош там-тами.

Қаршимда қўш бошин қорларга ўраб,
Чақнаб, чорлар тоғ.
Қуйини юксакка занжирдай улаб,
Йўл кетган узоқ.

Дам олиш фаслини кутдим, етишдим,
Топдим танҳолик.
Уйқу, жимлик майин шимириб ичдим,
Беқиёс тотлик.

Жимлигу ҳордиқдан толдим!
Бир парвоз
Истайман шу тоб,
Интилса дил етар, чақирса овоз,
Эй, дўст, мени топ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кездир: шалолалар шовқини қучсин,
Тортай сезгирлик.
Ҳайратдан кўз ёшим учқундай учсин,
Атроф сеҳрлик.

Сен бошла қир, қоя, даралар ўтгач,
Тоғлиқ қўйнига.
Осилай ипакдай ҳимралган ўркач —
Булут бўйнига.

Чўққидан юксакда учган қушларга
Кучлидир суқим.
Мен қушдан ўктамман: у муз тўшларга
Қўнишим муқим.

Гарчанд чўққи қорли — яқин қуёшга
Бор эди аҳдинг.
Малика атадинг кўтариб бошга,
Қур энди тахтинг.

Ердан ахтарганлар чўққидан топсин,
Юзим ювсин сел.
Совқотсам булутлар пар кўрпа ёпсин,
Аллаласин ел.

Кундуз санчсин қуёш минг бор бигизин,
Бўлай ўт нафас.
Элимнинг ҳар гулрў, парирў қизи
Боқсин серҳавас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўққи кафтидаги шу тахтда туриб,
Шам бўлиб ёнай.
Бутун жаҳон элин тинчликда кўриб,
Беҳадик қонай.

Элдошинг:
«Бу ёниқ шам қайдан ўзи»
деб қилса сўроқ,
Де
Яқин қардошнинг бир она қизи,
Вафоли қўноқ.

БУ КУНЛАРДА УЙДА ЭМАСМАН

Бу кунларда уйда эмасман,
Яна мени тарк этди юрак.
Юрак топган ҳайратдан мастман,
Ҳайрат менга ёшликдек керак.

Қайдамиз, дил?
Бу кимнинг эли,
Бунча танти, эрка қуёши!
Тилимизга ўхшайди тили,
Куйдор экан сувидан тоши.

Шўх жилғаси тошотар ўйнаб,
Ўйноқлайди тойдай ҳар тўлқин.
Қоялари офтобдан яйраб,
Томчи сочар мисоли учқун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илиқ нигоҳ оқбош тоғлари,
Кўзларингни куйдирса ҳам муз,
Ёмғирига баҳор чоғлари
Илк севгига тутган каби юз —

Қизлар жала билан ўйнайди,
Йигитларни нигоҳ-ла кесиб.
Севса на жон, молни ўйлайди,
Кетса мумкин ҳар недан кечиб.

Ҳар ким сени чорлайди уйга,
Меҳрин қўшиб тутар нону май.
Сен кирган уй айланар тўйга,
Қолсанг мумкин кўнгил узолмай.

Саф-саф ғозлар юргани мисол
Қизлар ўйчан, рақси сеҳргар.
Титрар тоғу даралар хушҳол,
Йигитлари жўр бўлса агар.

Гар тингласанг она алласин,
Ошиқлардан достон узун кун,
Ерин, элин битмас ярасин
Боисини англайсан бутун.

Ва ногаҳон сен ҳам танингда
Жароҳатин, бахтин сезасан —
Қонли-қонсиз жанглар мардига
Қалб-ла таъзим қилиб, кезасан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Недан сўзлар қиличдай кескин,
Тоғдай метин қаноат қайдан?
Қексаларин қадди тиклигин,
Ғурур ҳатто янграшин найда.

Эльбруснинг қўш оппоқ боши
Нақ «Қиз кўкси»— софлик, саховат.
Бу ҳусндан эл дара, тоши
Қасб этади тенгсиз нафосат.

Тупроғида яшноқ зилоллик,
Эл бир гўзал иқбол-ла яшар.
Одатидир яратиш шодлик,
Ўктамлик ҳам шондай ярашар.

Мана, нечун уйда эмасман!
Тоғли дўстлар меҳмони юрак.
Шаробию меҳридан мастман,
Қайфин олиб кетмоғим керак.

Қетганда ҳам ҳеч унутмасман...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚЕЧИР, ЁШЛИҚ...

Чақмоқ чақиб ўтгачгина ўйлаймиз,
Чақноғини излаб топмайин.
Ёшликда тушни ҳам ўнгга йўямиз,
Кунлар этагидан тортмайин.

Ўтди ёшлик мендан бир шавқ кўрмайин,
Дўллар урган бинафшасифат.
Қизғангандан ризқин қистаб сўрмайин,
Атаб кетди мени бешафқат.

Кечир, ёшлик, ўзинг эдинг буюкроқ,
Нозик қўлим тута олмади.
Ёниқ вулқон эдинг, нури қуюқроқ
Оқ кўксимга сиға қолмади.

Тортқилаб олганда силтовдан зарба
Жароҳати ҳамон бедаво.
Ҳамон вужудимда заррама-зарра
Ётар чекиб товушсиз наво.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечир мени, ёшлик! Сенга муносиб,
Чақнаб ва чақнатиб юрмадим.
Туйғу тўфонларин идрок-ла босиб,
Портлашга бир замон қўймадим.

Сўнгра, сўнгра сўнган вулқондай сокин
Қўйдим сени бевақт кексартиб.
Ўтгич ҳавасларга мук тушиб локин
Таққирларда бўлмас қизартиб.

Лекин билсанг ўтдим ўзим сенга зор,
Ғунча қолдинг бир бор кўрк очиб.
Баҳоримга ёғгач ҳеч эримас қор,
Гулдай шеър ёзмадим атрлар сочиб...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎН САККИЗ ЁШЛИК...

Боғлари бўларди мевали, гулли,
Бодом бор, анор бор, олма, шафтоли.
Нозик таъб, шеърга ўч Она, гул қўлли
Яшнатган гулзор бор, эрам рухсорли.

Паранг этакларин илиб тиканлар,
Ўсарди танҳо қиз капалаксимон.
Қўшни қизлар ичра бўйи етганлар
Қизда қўзғатарди гоҳ рашк, гоҳ гумон.

Ўйларди:
Тўлмайди ўн саккиз ёшга,
Шоирлар шеърида ўтар куйланмай.
Юзин ўхшатмайди ҳеч ким қуёшга,
Севги оловида куймайин, ёнмай...

Бирдан юрагида чақнади чақмоқ,
Унда пинҳон ёниб,
ошкор яшнади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илк севги қалбига солган бу чақноқ
Бир йўла оташ-у музга ташлади.

Иккисин талошин ёнди ўтидан,
Жизғиниб ўртанди, музида қотди,
Ун саккиз ёшини алам кучидан
Билмас, қачон топиб, қачон йўқотди?

Уйламасди!
Бир жуфт сайёрасимон
Тун юлдуз эдилар,
кундузи қуёш...
Уруш ямлаб кетди
бирин нақ тўфон,
Икки жон-чун яшар
бир Ун саккиз ёш...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭКРАНДАГИ ЮРАК

Йўқ, доктор, бу юрак менiки эмас,
Бир зайил урувчи соат милидай.
Тинчлик истасам-да, измимга кирмас,
Бу битта лоқайднинг содиқ тилидай.

Ўтган йиллар шоҳид: менинг юрагим
Нақ кўкда потирлаб ўйнар кабутар.
Долғали денгизда кема сузмас жим,
Тоғдай тўлқинларни қоқ кесиб ўтар.

Балки, бу қаддимни тик тутиб турган
Ҳаётим риштаси — тириклигимдир?
Мудом жўшқин умрим ҳукмида юрган,
Қадрига етмаган пинҳон шеъримдир?

Билмайман
Ва лекин менинг юрагим
Экранга сиғмовчи бир олам сиёқ,
Бир зайил урмайди. Мисли тилагим
Куну тун тинмовчи синчков бир сайёҳ.

Ҳар инсон қалбидан
Излаб қўналға,
Истайди ястанса майсалар бўлиб.
Кўп чоғ кўксим ташлаб кетади олға
Ва қўшиқлар топса қолар жўр бўлиб.

Бу кўксим — паноҳи,
учиб ҳорганда
Қўниб бир зайилда уриб турар жой.
Сиз қалбим экранга аксин солганда,
У бир зум оларди ҳордиқ, ҳойнаҳой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УНИ ҚЎЗҒАТДИЛАР...

Фасли қишга яқин бир туп дарахтни
Ниш урган ўрнидан қўзғаб қўйишди.
Наздимда, умрини безаган бахтни
Бу кекса дарахтга камроқ туйишди.

Икки жуфт қўл эккан бир ниҳол эди,
Ҳамма набототдай ўсди панада!
Қуёшдан шимирди,
тупроқдан эмди,
Бўй чўзди,
Илдизи эса янада

Теран кираверди ернинг қатига.
Новдаларни безар зилол япроқлар,
Бўйдор-куйдор дарахтларнинг сафига
Қираётганини сезди нигоҳлар...

Ва бир гўзал баҳор кўрсатди ғунча,
Ва бир тўкин кузда берди нишона.
Илк мевага умид боғлашиб қанча
Кўз-кўз қилишдилар нақ бахтли она.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онадай, отадай меҳрга ўраб,
Сахий боғбон этди уни парвариш.
Ниҳол ўсаверди яшнаб, гуркираб,
Ҳар йил янги кўркин қилиб намойиш.

Лекин ҳамма ёз ҳам
ва ҳамма куз ҳам
Сийлаб, бўлиқ мева этмади ҳадя.
Гоҳ сел ювди,
бўрон бошин этди ҳам,
У тик турди ҳамон мен ҳаёт дея.

Лекин мева эса ширали, этли,
Оз бўлса ҳам бўлди тутгудай кафтда.
Зеро, тупроқ сахий,
еллари қутли.
Қуёш етиштирди ҳаётбахш тафтда...
Бир дарахтдан баланд,
ўзгасидан паст,
Ўз умридан рози кирарди кузга,
Умр хотимасин биларди, албат,
Биларди ниҳоллик қайтмайди ўзга.

Кунгай ва назаргоҳ ерга кўчирмоқ ният,
Қўзғатиб кўрдилар унинг илдизин.
Теран томирига етса ҳамки лат,
Шунда кутмоқ бўлди чоғи ўз кузин.

Чуқур экан илдиз,
Чайир томирлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ернинг чор ёғига кетганди сингиб.
Бўронлардан сақлаб қолган омиллар
Омон олиб қолди дардини енгиб.

Кунгайдан ҳаётбахш экан ер баҳри,
Ўз ўрнида яна кўкарди дарахт.
Қуюқ шохларида тиниқ куз наҳри
Янги ҳосилларни бермоқда ҳушвақт...

www.ziyouz.com kutubxonasi

НА ГЎЗАЛ ДАМЛАР БУ!

Баҳор келяпти, уйғонмоқда дил
Гуллардан ҳам тез!
Қанот топ, нигоҳ топ, кўпчимакда ер,
Елдан илдам кез!

Ана, бош кўтарди мунис бинафша
Сўлу соғингда.
Борлиқни тўлдирган баҳорги нашъа
Сою тоғингда.

Шамолнинг бир қўли тортар далага,
«Мен саховат» дер,
Осмон гавҳарларин ортмиш жалага
Ҳовуч-ҳовуч тер!

Тупроқ баҳрини туй, ол нур рўмолни,
Уч булутдомон.
Сенинг ҳароратинг кессин шамолни,
Гулласин бодом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Паға булутларнинг момиқ қўйнидан
Симиргин ёшлик,
Қуёшнинг ҳар нурин қучиб бўйнидан
Жон олсин тошлик.

Чигитлар сочилган тупроқ қатига
Ҳар йилгидан мўл.
Тошлар ҳам жўр бу йил инсон аҳдига,
Гул очмоқчи чўл.

Тошдан ҳам, ердан ҳам, уруғлардан ҳам
Баҳорга чанқоқ,—
Инсон бор!
У борки, сен ҳам бой, кўркам,
Кела қол тезроқ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТАШПАРАСТЛАР

Жануб туни денгиздай бетуб,
Юлдузлари чақнайди сернур.
Гўё жаҳон зулматин ютиб,
Юксакликда шалола ёнур.

Бу бир уфқ — шафақдай гулхан,
Табиатга инсондан туҳфа.
Сувни ўтга этишиб пайванд,
Буюрмишлар: «Курашдан тўйма!»

Курашади
Этак, соч олов,
Нақ қасоскор лўли қиз рақсда.
Инсон ақлин атаб беаёв,
Оташ ва сув туганмас баҳсда.

Биз чиқамиз зинама-зина
Нақ меҳробга юрган сингари.
Полапондай жонланар сийна,
Оташ томон парвоз қилгани.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки аёл қўлини тутиб
Ўртамизда борар дўстимиз.
Аёлликни бўлмас унутиб,
Эркакларсиз ёнмас ўтимиз.

Деймиз унга:
Олов на даркор,
Бор қиёфанг тоғнинг вулқони.
Прометей ўтга қолса зор,
Сенга келар совигач қони.

У оташга бизни эргаштир,
Ут олайлик кафтимиз тутиб.
Сўнг тонггача машқ этайлик шеър,
Оташ кучин тараннум этиб...

Олиб чиқди.
Сеҳрлангандай
Юзларимиз бўлди оташранг.
Олов тиллар асирлагандай,
Илк бор бизга шодлик берди жанг.

Шамдай эриб юраклар шу туп,
Чақнаб юрдик толе кафтида.
Кўзимизда ёнган у учқун,
Оташданми, ё дил тафтидан?...

Пешонадан йиллар изларин
Ялаб кетди гулхан тиллари.
Оташпараст Шарқнинг қизларин
Бир йўқлади ёшлик йиллари...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁМҒИР

Ёмғир, сен табиат сахий фарзанди,
Менга кўрсат йўл.
Санъатинг ювади еру кўк гардин,
Эзгулигинг мўл.

Бир йўла, бир азим чўлу саҳрога
Осмон қўяр лаб.
Ҳали ишқ билмаган Одам Ҳавога
Бахш этгандай қалб.

Қўриқлар кўксига яқинлаб кўклам
Уйғонар тупроқ.
Илиқ нафасингдан баҳра олган дам,
Эрийди музлоқ.

Сенинг санъатингга бир шогирд тушиб,
Томчи бўлай мен.
Дилимни парчалаб томчингга қўшиб,
Чўл қамчилай мен.

Буғдойми, чигитми, не бор уруғга
Бағишлай ривож.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деҳқонлар кўрсатган доно йўриғ-ла
Ҳис этай қувонч...

Бир олам табиат қўйнида томчи
Бўлмоқ ҳам толе.
Қалб, мени шу ёмғир йўлига сол-чи,
Яшай сафоли.

Оҳ, ёмғир, ҳар салқин ҳаётбахш томчинг
Қўзғайди ҳавас,
Севгимдай бешафқат бўлса гар қамчинг,
Итқит, бўл шаррос.

Қувончлар тагида қолган дард қумин
Ювиб кет бирдан!
Узлатга бегона кўксим тўлқини
Куйласин нурдан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ ЕРЛАР

Янги ерлар кутар янги қўлларни,
Жон тилар ҳаётга кириб келгали.
Янги ерлар кутар янги йўлларни,
Баҳордай минг турфа либос кийгали.

Янги ерлар кутар қадим ерлардай
Инсондан севинчу заҳмату неъмат.
Қаддин кўтармак-чун жасур эрлардай
Илтижо қилади:
«Биз ҳам беминнат.

Сизнинг замон ажиб, инсон-сеҳргар,
Режангиз ер қолиб, ўрлайди кўкка.
Бизнинг ёққа дил-ла ташлангиз назар,
Сизнинг орзуларга биз шай кўмакка.

Тупроқмиз, унутмиз нақ нокеракдай,
Симобранг сув кирсин жон-қонимизга,
Туғилмайин нобуд бўлган гўдакдай
Қолмайлик, қон бўлинг томиримизга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қачонгача ўтаң наридан баҳор,
Қачонгача қуёш шуъласи бенаф?
На ёмғир ва на қор келади бакор,
Одамлар, бу доғни биздан этинг даф!

Тақир кўксимизни ағдаринг чок-чок,
Ҳосил уруғини сочинг бағирга.
Чўл аталган бизда ишқдай жонли, пок
Дон, паҳта қулф урсин тўлиб сеҳрга.

Юксак минбарлардан айбланг ва мақтанг,
Ҳосилми, ҳуснми, бўлайлик бир баҳс.
Бизнинг қўйнимиз ҳам меҳрга маҳтал,
Очилмоқ, сочилмоқ, яйрамоқ ҳавас.

Қанча бойлик мудроқ бизнинг бағирда,
Ҳали ишқ билмаган қиздай бир бокирамиз.
Киринг жонимизга, не борки бизда
Аёлдай боримиз ҳадя этамиз».

Янги ерлар кутар кучли қўлларни,
Бизнинг деҳқон қўлда обод бўлгали.
Янги ерлар кутар равон йўлларни,
Ҳосил карвонлари тинмай юргали.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУЛЗОР

Тонг қаршилаб ҳовлига чиқдим,
Умримдаги куз бўлди ғойиб...
Борлиғимда бир кўчки сездим,
Кета қолди ланжлик ҳам тойиб.

Сийрак сочиқ гуллар нақ барқут,
Баҳордаги гул водий гўё.
Қизиллари мисли тунги ўт,
Кун тутилган чоғдаги зиё —

Симон тарам-тарам пуштиси,
Бор тароват билан очилмиш.
Гўдак нафасидай ёқимли иси
Юзим, кўзим, дилга сочилмиш.

Ёқтирмасдим мен гул узишни,
Хийла худбин тортибди таъбим —
Чоғи, ҳислар қилди бу ишни:
Гул қўлимда, баргида лабим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ғашликми, яшашга ўчлик,
Вақт туйғуси бир онда унут.
Ёмғирли кун бўлди гул ислик,
Булбул бўлиб сайради сукут...

Сўлим гулзор, сўлгандай умрим,
Яшнаганча, яшнатганча қол.
Балки гулга ёш тўкиб юм-юм,
Ўзни яшноқ сезмоқ ҳам иқбол?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХУШҲОЛЛИК

Не ажаб даврга пайванд тақдирим,
Ўзимни сезаман муттасил хушҳол.
Сабоҳ елларидай ҳамон тик қаддим,
Оқшомги онлардай тиниқдир ҳаёл.

Ёшлик,
Баркамоллик —
ўзга фаслни
Токи умр-мулким, ола билмам тан,
Бағримга олганман
замон фаслини...

Танти, зукко элга суюкли экан
Айтажак сўзимнинг поёни бўлмас!
Зеро ҳаёт қилар қўшиқ тақозо,
Бугунги инсонлар йилларни билмас,
Зеро ерга бўлди ошна фазо!

Ҳаёт қайновидай юрак урар жўш,
Дилга қалам эшки, мен беҳад хушҳол.
Шукурким, ўйларда муқимдир жунбиш,
Кўзимда кундан-кун тўлишгич иқбол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАМ БОҒИ

Кечагина борлиқ эди мовий қор.
Севгидайин кун тафтидан эриди.
Эсда:
Биз ёш, қор баҳордан сервиқор,
Танимизда минг бир офтоб бор эди.

Ҳамма гўзал:
Ёши ўтган онам ҳам
Хушбўй эди хиёл сўлиқ гул мисол.
У билганни пари билмас бир олам,
Унга келиб ечиларди барча фол.

Нафасидан нафас олиб ўсдик биз:
Фарзандлару, гулу китоб ҳамроҳи.
Гулдан жозиб эди бизнинг онамиз,
Бир жаҳон бахт бағишларди нигоҳи...

Онам боғи орзусимон турфа ранг,
Лоқайд, бачки безакларга эди ёт.
Бор мавжудот рақиби-ла қилиб жанг
Ўстирди боғ, ўғил ва қиз — зурриёт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу эрам боғ замонанинг зайли-ла
Эл ўтгувчи равон йўлга айланди.
Онам!
Сизнинг умр ҳаёт майли-ла
Менинг жисму жаҳонимга жойланди...

Неча аждод кечган боғдан йўл қолди,
У йўлларда Сизу мендан йўқдир из!
Сизни Мену,
Мени Оналик олди,
Аёл зоти кетмас ҳаётдан изсиз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОЛАҚАЙ

Кўзларингда чуқур ўй,
Ҳайронликми, изтироб?
Кундан-кунга чўзиб бўй
Нега излайсан жавоб?

Мурғак фикринг етолмас,
Бу дунё ўйинига.
Севиб, отдилар паққос,
Сени тақдир қўйнига.

Ҳаётинг икки ора
Талашлигин билмайсан.
Соғинчдан дилинг пора,
Лекин ошкор қилмайсан.

Гўдакликдан чиқмасдан
Улғайтдилар умрингни.
Жонларига суқмасдан
Сўндирдилар кулингни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Толхивичдай жуссангда
Қаердан тоғдай тоқат?
Айт-чи, пинҳон ғуссангдан
Олиб бўларми фақат?

Уйласам кўздан жовдир
Оқади ёшим сели.
Бу — сен тўкмасга қодир
Соғинч ҳисси шекилли...

Борлиғим бўлиб юрак
Бошгинангни силайман.
Ҳеч дарз кетмас, бўлинмас,
Яхлит тақдир тилайман...

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕН БЎЛМАСАМ

«Не қилайлик?», «Қандай бўлса?», «Нечук
бўлур?»—
Сўрасангиз, наздингизда кўнглим тўлур.
Болажонлар, бир кун шамдай бу жон сўнур,
У чоқ кимдан сўроқлайсиз, мен бўлмасам?

Гул эмасман, кўзингизда турсам яшнаб,
Чинормасман, турсам йўлга кўлка ташлаб.
Гўдакмассиз, юрсам сизни йўлга бошлаб,
Не бўлади уйингизда мен бўлмасам?

На илож бор, бир насиба бўлади кам,
Бу заҳматкаш, тинмас қалам олади дам,
Бир неча вақт дилингизга тўлади ғам,
Бир кун келиб уйингизда мен бўлмасам.

Бу қадрдон ишхонамда ўчар чироқ,
Аста-секин дўсту шогирд кетар йироқ.
Уйдан-уйга бўзлаб юрар етим фироқ,
Бир кун келиб уйингизда мен бўлмасам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гоҳ чеҳрамни тунд этганда ер ташвиши,
Ғусса бўлиб босса куннинг қолган иши,
Бири у деб, бири бу деб юрган киши,
Не дер экан бир кун келиб мен бўлмасам?

Жон бағримдан узиб сизга берган ҳаёт,
Гоҳ кўрганда чеҳрангизни шодликка ёт,
Ёстиқ қучиб унсиз, пинҳон солганим дод
Билармисиз уйингизда мен бўлмасам?

Ҳар қаричи кўз ёшимдан шўраланган,
Ҳар ниҳолдан азиз боғбон сўроғланган,
Шу боғбондан жуда эрта мерос қолган
Бу даргоҳда не кайф кезар, мен бўлмасам?

Ҳар ғиштида баҳоримнинг бир япроғи,
Ҳар бурчида ҳароратим дил ардоғи,
Сизга асқаб толе тўла ҳовлим боғи
Қулгингиздан батанг келсин мен бўлмасам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЛГИМ КЕЛАДИ...

Қаршимда,
Ёнимда,
Атрофда одам,
Бирини ўзгага ўхшатолмайман.
Ҳар бири, биламан, бутун бир олам,
Бу оламга нурдай йўл тополмайман.

Бир умр уриндим қалбга кирмоққа,
Орзу-ҳавасидан олмоқ-чун шодлик.
Лаб қўйиб ичгандай тиниқ ирмоққа
Сингисам ҳаётга сувдек, ҳаводек.

Қони заррасида, томирида юриб,
Юрагин уришин тўлқинин билсам.
Дилин ҳар зарбидан шеър йўғириб,
Ўзини ўзига намойиш қилсам.

Орзу миқёсини,
Дил ҳароратин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айтмоққа тортинган сўзини топсам,
Ургатсам изҳорга ишқ-муҳаббатин,
Жароҳати узра малҳамдай ётсам.

Билгим келади,
Ҳа, билгим келади...
Ким интиқ, ким истар мендан фидолик,
Бир жон-ку, минг бўлса — аясам ўлай,
Ахир шулар билан умрим сафолик,
Қандай жон-мас, жудо сафодан бўлай.

Мен билгим келади эркак юрагин
Аёл бир қараши этармн чил-чил?
Тоғдай кўтарармн севги кўкрагин,
Ҳижрон оловидан қанча ёнар дил?

Аёл қалби эса гўё кафтимда:
Бир хамирдан ясар устамиз — ҳаёт.
Тақдирини бутун ниҳол кифтимда
Олиб чиққанимдан қариб қолдим бот...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОШМА ҲАЛИ!

Ярим тунда, биров туртгансимон,
Бир чўчийман,
Ўзга келгач уйғонаман.
Не бу ўзи?
Дил қандайдир қўпол чангда
Қисилади,
Мен ўзимни ҳис қиламан қайноқ жангда.

Сўнгра-сўнгра худди илон чаққансимон,
Сўнгра, худди бир хум ақраб ичгансимон
Мен ўзимни ўнгаролмай тўлғонаман.

Зиқ юмушда ўтган кундуз зиллигими,
Сирқиратгич оғир ўйда тўлғонаман.
Ўз-ўзим-ла куймалашиб
Пўртанали юрагимни бошқармоққа уринаман.
Жисмимдаги беҳоллигу
Санчиқларни босиб, янчиб,
Ўтган кундан энг ярқироқ,
Хушнуд дамлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахтармоққа уринаман...
Ва топаман:
Соғ ишладик,
Қувонч топдик ва кимгадир бўлдик дармон.
Демак, менда йўқдир армон.
Мужмал санчиқ,
Ҳали бошдан,
Ҳали чаккам,
Ҳали кекса кўкрагимнинг
Йиллар тузи тах-тах
Минг тах қатларида
Дарднинг басир,
Энг оғири,
Энг сабили:—
Таранг асаб,
Жонли асаб зўрға турган ипларида...

Мингоёқ деб аталувчи қурт бўлади,
Тез юради, ранги совуқ
У захликда туғилади.

Гоҳо зиқ, зич,
Гоҳо қўрсиз кундузимнинг,
Ё уйқусиз тунларимнинг
Увадаси йиғиндиси — асабларим
Шу куртсимон
Бошдан-оёқ бирдай қамраб
Юрагимни тишлай бошлар,
Бу азобга тоб бермоққа уринаман.
Уринаман, тўлғонаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Миямдаги битта санчиқ,
Уста қоққан михдай маҳкам.

Ёзаманми, ёнаманми унга не кор?
Маҳкамликда михнинг ўзи —
Асаб тиғи берар озор.

Яна юрак,
Ҳорғин юрак — дард созлаган тор совутда
Қисилади, қийналади...
Ҳорғин кўксим,
Томирларим!
Наҳот энди ишлаб бўлдик,
Яшаб бўлдик?
Шундай бўлса
Азоб бермай дам ола қол!
Кўп курашдим,
Ва шодманки, шунча йиллар ғолибаман,
Иродамнинг вафосидан миннатдорман...
Лекин узр,
Минг бор узр,
Мен чарчадим.
Дардларимни торта-торта чин чарчадим!

Бутун умр мисқол-мисқол
Чўккан дарднинг ўзи ташлаб кетмас-ку ҳеч,
Метиндан зўр ўжарлиги битмас-ку ҳеч —
Шундай кибор,
Шундай беор.
Шундай ғаддор
Ўзим билан кетгувчи ҳол.
Лекин ҳорди мендаги жон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илож бўлса,
Дардни енгар,
Умр берар дармон истар!

Пешонамни ерга қўйиб,
Сажда қилиб
Утинаман Сендан, Умрим,
Мени кечир,
Таҳаммул ҳам,
Қаноат ҳам тугади чоғ!
Ҳориган жон бир беозор ором истар!
Ким билади, балки елар
Йўл-йўлдаги умидимга заҳрин сочиб,
Тириклигим жон томирин,
Қишга кирган ҳаёт боғим босиб, янчиб,
Ҳузурлангич ўша зўрлик —
Номи ажал!
Ета қолса:
Битта илинж.
Етсин майли:
Фақат уйда,
Ўз элимда.
Бутун умрим
Шод, ҳузурим
Бутун қўрим —
Шу тақдирим — Она элда.

Лекин, ҳозир шошма, Ёвим!
Шошма, шошма, яқинлашма!
Битгандан мўл — битмас ишим,
Яхшиси, сен чекила қол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УМРИМ КАРВОНИ

(Янги йил шеъри)

Яна бир бекатга умрим карвони
Келмоқда яқин.
Бутун борлиғимга дил ҳаяжони
Ҳокимдир тағин.

Бу кеча умримдан ёп-ёруғ нурдек
Бир йил ўтмакда.
Сертоле бир уйни этган каби тарк
Дил уринмакда.

Бу ёшда осонмас йилни узгуси,
Ҳар йил энди ганж.
Не мужда акс этар келар кўзгуси,
Не шодлик, не ранж?

Бутун йил бир сахий яхлит қўл бўлиб
Кўтарди баланд.
Мен қайноқ эркалаш, ғурурга тўлиб
Ёшардим бир чанд.

Меҳнатимдан ортиқ сочди бошдан зар,
Мен эса хижил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келар йилларимга ташлайман назар,
Бурчларим шиғил.

Бариси ниш уриб чиқмоқ шарт уруғ,
Менинг қаламда.
Ёш ҳам навқиронмас, анчайин улуғ,
Куч ҳам танамда.

Майли, заиф қолсам эл дарёсига
Ўзимни отгум.
Ғарқ бўлиб жавоҳир куй дунёсига
Баҳралар топгум.

Тўфондек бўлмаса, сойдек осойиш
Ёзарман шеърлар.
Йиллар ўтиб ишқдан қолса оройиш,
Садоқат дерлар.

Садоқат ва тоқат, фароғат, меҳнат, —
Барин этиб жам,
Шу ўктам ўлкамнинг бахтига ҳамбахт
Ташларман қадам.

Умрга бегона боши берк кўча,
Бир эмас бекат.
Бақамти сўйлашдик кунинг битгунча,
Рози кет фақат!

Мен пойандоз этиб орзу армонни,
Янги йил кутай.
Янги бекатларга умрим карвонин
Етаклаб кетай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ҚУННИНГ ШЕЪРИ

Уйдирмага чўзмас қўлларин,
Аён: шеъриятга тиз чўкар қалам.
Дил кўзи оқ қўриб ҳаёт йўлларин,
Олдинга ундайди суръатли ҳар дам.

Дам ва кун далага кетган ёйилиб,
Қайда ишли тупроқ, шу ерда ўзи.
Ҳар зое нафасга биздан койиниб,
Дакки, чақириқдай боқади кўзи.

Кун нима, биз ўтли қалб бўлсак агар,
Меҳнатимиз берган ҳар азиз мева.
Ортганинг не бўлсин,
хижолатми, зар,
Эртага элтувчи содиқ бир тева.

Хижолат мезондай илашмасин ҳеч,
Пахтадай нур сочсин ҳар дилга шуҳрат.
Машина,
қўлдами,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тонгми, кундуз-кеч,
Шу пок, ифтихорни терамиз, албат.

Умид уруғини тиккан деҳқон қалб,
Бахтининг донасин қолдирмас ерда.
Дилимиз ўт олсин, кунлар долу
зарб.
Ўтсиз пахта битмас,
дон етмас элда.

Бу куннинг суръати,
бу куннинг куйи,
Бизнинг қайноқ қўлдан ғолиб қанотда.
Мағрур бошларингиз бўлмасин қуйи,
Не бор ғалабадан ширин ҳаётда?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУННИ СЕВМАЙ ҚЎЙДИМ...

Тунни севмай қўйдим,
Бир сирни туйдим.
Ҳар тун узиб кетар умримдан бир кун.
Томчи тома-тома кўл бўлгандек лим,
Олиб кетиши рост умримни бутун.

Севмай қўйдим тунни,
Севмайман тунни.
Бутун вужуд бўлиб кунни кутаман.
Нафис шафтолининг гулидай нурли —
Шаффоф нафасига юзим тутаман.

Бу нафас — гўдакдай уйғонган майса,
Бу — кузда маст-аласт чайқалган буғдой.
Бу — қуёш, уфқда хиёл жилмайса,
Олтин замзамада жилваланган сой.

Бу — орзу сингари чексиз водийга
Ҳокими мутлақдай чиққан ҳар деҳқон.
Ҳосил фалсафасин етиб домига
Тупроқни олтинга айлантиргич жон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен тонгни севаман,
Тонгдаги ўйлар
Мени одамларга кетади бошлаб.
Яратишга тўла мен тушар йўллар,
Дала, қирни қучсам, қулочим ташлаб,
Кўксим яйраб кетар кўлнинг сатҳидай
Ундан қўшиқ учар оқ кабутардай.

Тонгги ер нафасин тўймай ичаман,
Ўттиз ёшли жувон шайдо дилидай
Хаёл етган ерни кезиб, кечаман.

Тонг отмоқда, шошил,
Ахтарма кавшинг.
Дафтаринг топмасанг,
Дилинг очиб бор:
Тонг — сенинг шодликка тиқмачоқ кашфинг,
Яна бир набира — иссиқ кафтга ол!

www.ziyouz.com kutubxonasi

САҲАР МЕН БИЛАН...

Кундан-кун саҳарга ортар соғинчим,
Наҳот ҳаёт шомин яқинлиги бу?
Салқин оромида йўқолар тинчим,
Демак, шафақ мен-чун ёлқинлиги бу!

Наҳот умримдаги саҳарги завқлар
Тарк этиб изламан саҳардан нажот?
Бирдай эмасмиди йил, фасл, вақтлар,
Недир ўтиб, недир келмайди наҳот?

Саҳар бу — ёшликдай борлиғи орзу,
Саҳар ўқилмаган ғаройиб китоб.
Наҳот умр олиб қўлга тарозу
Мендан кутар ҳалол, аниқ сарҳисоб?

Тўхта!
Нечун йиллар палласи вазмин,
Умрим эмасмиди ҳаётдан туҳфа?
Сарҳисоб чоғда ҳам ўзимда изин,
Посангисин ростлаш пайтимас, тўхта!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кун фақат саҳармас, кундуз, шоми бор,
Кеч пишар мевалар озми тупроқда?
Тўхта!
Тарозуга қўярдек куй бор,
Ҳали саҳар сиёқ яшноқ дил-боғда.

Мен ахир саҳар чоғ таваллуд топдим,
Онам кўкси, азиз юртим ҳам саҳар.
Шеърга дил, дафтарни саҳарлар очдим,
Эслайман:
Топганди севги қўйнидан
Мени тоғдан оғир ҳижрон ҳам саҳар.

Бугун шом устидан ял-ял кулажак
То умр борича саҳар мен билан.
Ҳар кун менга саҳар туҳфа этажак
Халқим юрагига сафар мен билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЙ ДИЛ!

Эй дил! Севинчингни шоҳ байтларга сол,
Бундай онлар ёниб куйламай бўлмас.
Дўстлар меҳмон бўлиб келди!
Бу висол
Гуллари сўлару, нурлари сўнмас.

Ҳамманинг кўзида юлдуздаги нур,
Диллардай чашмада сув ҳам жилвали.
Меҳмону мезбонда бир ёрқин сурур,
Офтоб ерга тушди шодлик тергали.

Бутун Республика бўлиб бир оғуш
Азиз кишиларга қалбин очибди.
Кексаларда ғурур,
ёшлар кўнгли хуш,
Оҳулар кўзидан уйқу қочибди.

Қардошлик қўшиғин, висол шодлигин
Борми эзгулигин билмаган одам!
Бу — бағри бутунлик, дил ободлиги,
Дил ободлиги бу — беқиёс олам.

Беқиёс олам бу — тақдир бирлиги,
Тариҳ қатларида ётган ғазаллар.
Эллар заковатин бу — тириклиги,
Бу — ёндош из солиб келган азаллар.

Ўша азаллардан умид, қўр ташиб,
Дилларни ёритди битта шамчироқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушанда ҳам йўллар, тақдир туташиб,
Бир-биримиздан зарра кетмадик йироқ.

Сўнгра Россиядан балқиди қуёш,
Халқлар луғатига кирди Бахт сўзи.
Майсадай шу нурга эл кўтарди бош,
Қовуштирди барин рус халқи ўзи.

Бу янги оламда юрт ҳам, дил ҳам кенг,
Тақдир бир, меҳнат бир, орзулар янги.
Қай ер, қай тил, қай дил очса бир оҳанг,
Ҳаммамиз шод этар унинг жаранги...

Шу буюк Ватаннинг ҳамма уйида
Қадим қардошликнинг байрам висоли.
Сизни халқ кутмоқда:
Чашма бўйида
Баҳра кутган ташна жайрон мисоли.

Ҳеч чоғ қулф билмаган дарбозамиздай
Ҳар шаҳар, ҳар қишлоқ қучоғи очиқ.
Меҳрлар дилларнинг дурдонасидай
Сиз кирар қалбларга беўлчов сочиқ.

Сиз юрган йўлларга тўшалар гуллар,
Гуллар узра юринг,
Сўлсалар сўлсин.
Дўстлик қуйилмаси бўлсин туйғулар,
Меҳру садоқатнинг ўти сўнмасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАРСИЯ

Еру осмон, тутинг мотам, яна бир меҳрибон кетди,
Ҳаётга, офтобга, гулга ошиқ, жонажон кетди.
Дили кенг, хулқи пок, ирфонга кон фозил жаҳон
кетди,
Садоқат-ла әтиб меҳнат, тошиб ҳурмат ва шон
кетди,
Ажиб бир дўст, ажиб дилсўз, ажиб ширин забон
кетди.

Яшар токай киши умрига бундоғ айрилиқ йўлдош,
Ажаб нодир ҳаёт кўзгусига отди ажал минг тош,
Фироқнинг ханжаридан дил жароҳатда тўкар кўз
ёш,
Фалакнинг бу жафосига қаёндан олгумиз бардош,
Тилак, орзу, умид боғи камолида хазон кетди.

Кетар ер бағрига, афсус, бу дўстга алвидо денглар,
Чироғинг ўчмагай ҳаргиз, яшайсан биз аро денглар,
Тирикмиз дилда достонинг сира бўлмас адо
денглар,
Кўзинг оч, дўсту ёронлар, бугун мотамсаро денглар,
Яшаб тўймай, неча орзу, умид, армон ниҳон кетди,
Юракларни солиб фарёдга, дўсту меҳрибон кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Саида Зуннунова хотирасига

Ҳаётдан шоира, ҳайҳот, юмди кўз,
Қолаверди фарзанд ва қалам етим.
Наздимда, кўксида қолган барча сўз
Ҳаммамиздан аччиқ ёш тўкарди жим...

Ҳаммага топилар сабр ва юпанч,
Қайғу ҳаёт билан туғилмиш эгиз.
Айтилмаган қўшиқ беун, беуввос
Совуқ исканжага берилди, эсиз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Гоҳ-гоҳ бар дақиқа тарк этмас хаёл,
Эски бозордаги сурондай ўйлар.
Бирининг баридан тутдими хиёл,
Ўзгаси шағалдай оғир қуйилар.

Охирин кутишдан қурийди тинкам
Ва дилгинам узра тушади харсанг...
Шукур, дунё ичра яшамадим кам,
Ва ҳеч дард, ҳеч жумбоқ этолмади танг...

www.ziyouz.com kutubxonasi

О, ИЖОД

О, ижод, дардгинам,
Сен менинг оромим рақиби,
Уйқусиз тунларим ёритган нур, чироқ!
Тандаги зилзилам,
Муқаддас танҳолик ҳабиби,
Гоҳ чорлаб, гоҳ дейман, кет йироқ.

О, менинг умримнинг эгови,
О, қалбим дардига бир малҳам,
Мен уйқу истайман!
Бўласан шеър дови,
Кетмайсан қувсам ҳам,
Қаламни ташлайман,
Сўндириб мен чироқ,
Бу ғужғон ўйлардан ёрилгич бошимни
кўрпага ўрайман.

Ўйларим,
Сиз менинг чулдироқ қушларим,
Кетингиз, кетингиз!
Сизда-ку бор қанот!
Мен ухлай, менга ҳам вожибдир ухламоқ?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўқ,
Юрак бош билан қилар жанг,
Ўртада қон чопар мисоли ўт — дарё,
Фикрлар лашкари ҳолимни этар танг!
Чарчайман!
Ахир мен гар шоир, дилдироқ бир Аёл!
Ақалли, уйқунинг амрига кирайин!
Оромнинг қўйнида тин олган
Аёллар сингари латофат касб этиб турайин!

Йўқ,
Қонда шу Аёл қудрати
Денгизнинг долғали тўлқини сингари
Уйқуни отади бедорлик соҳили тошига
Ва мени етаклар қоғозим қошига.
Мен эсам кўзимни очмайин,
Мадорсиз қўл билан ёқаман чироғим,
Итқитган қаламни ахтариб топмайин,
Сипқориб ётаман илҳомнинг булоғин.

О, ижод олами!
Тун бўйи шу зайил
Сен билан гоҳ тотув,
Гоҳ рақиб,
Яна мук тушаман назмнинг машқига:
Ва лекин энг синчков мунаққид —
Эрта бор.
Ҳар мисра тушади фикрнинг шафқатсиз
дастига:
Мисрага далалар нафаси шовуллаб кирмаса,
Инсонлар юраги ловуллаб турмаса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

На давр;
на меҳнат,
на шодлик қаламни сурмаса,
Бир пулдир меҳнату,
дарду шеър,
тун умри:—
Ўқийман, ўйлаб ҳам турмайин
Йиртаман парчалаб.

Бахт йўқлаб:
Агар қалб дардидан таваллуд бўлолсанг,
Сенга дуч ҳар юрак торини тополсанг —
Шеър бўлиб эл ичра юраман мен чақноқ,
Уйқудан кўрк топган аёлдан ўктамроқ!

О, ижод алами,
Сен тушдай қоласан тун ичра.
Мен эсам ижоднинг содиқа ҳамдами.
Узимни сезаман тонгдан ҳам гулчеҳра.
Шу асно мен шеърман!

О, ижод, дардгинам!
Изтироб, оромим,
Тақдирим,
Шуҳратим,
Толеим ва комим!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎТЛИ ТОМЧИ...

Ўтли томчи, шўр томчи сени
Нега инсон кўз ёши атар?
Қалб ўртангач қўрғошин сели
Эмасмикан оққан шашқатор?

Ўтли томчи, шўр томчи сели
Сен юзлардан ирмоқ очасан.
Ўзимдан ҳам яширин сирни
Рақибимга елдай сочасан.

Пешонамга ёзиқ тақдирни
Чиқарасан кўзимдан сиқиб.
Чўнг иродам қурган қасрни
Жаҳонгирдай бераҳм йиқиб.

Гўё шамгин, гўё яланғоч,
Шон-шуҳратим ешиб ташлайсан.
Йўқ душманим бир дам этиб шод,
Дўстларимнинг дилин ғашлайсан.

Чиқ сўнг томчи, юздан сидириб
Мен орқангдан отай қора тош.
Ўз ҳаққим-ла кўксимни кериб,
Кўз ёшга ҳам боқайин беёш...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУҲФА

Кимдандир бир даста гул келди сенга,
Уйингда, дилингда тўй шавқи бу кун.
Ўзни саросима сездинг сен нега?
Кўп эди-ку гуллар бундан ҳам гулгун?

Ажабландинг!
Гўё босиб узоқ йўл,
Чарчаган одамдек гул барглар лоҳас.
Ким, қанча андиша тоғин кесиб ул
Келмиш, бўлмоқ учун сен-ла ҳамнафас.

Ким ўзи, тўй кунинг йўллаб гул салом,
Қутлашга жазм этган сенинг бахтингни?
Эркалаш истамиш беном, бекалом,
Ўздан хабар бермай, сенинг қалбингни.

Ким билсин, қай дилда, кўзлардан пинҳон
Ниш уриб, очилмай қолган ишқдир ул,
Қуёш ойнинг юзин ёритгансимон,
Сендан баҳра олиб, сир қолган кўнгил.

Лекин дилда балқиб, ташаккур, меҳр,
Билмасинг қай, кимга учсанг қанотда...
Ҳар дил сақлай олса бир гулча сеҳр,
Сарғайиш билмасди умр ҳаётда...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛДИНГДА ОҚҚАН СУВ...

Олдда оққан сувнинг қадри йўқ, дерлар,
Ғўрликда ношукур ҳукми деб юрдим.
Мана, қанча сувлар оқиб ўтдилар,
Бировни сувга зор,
бирни сер кўрдим.

Наҳр умри не ҳол ўтганин оқиб,
Соҳилдаги сероб бир сездимикин?
Қақраб ҳовуч-ҳовуч ичиб, ютоқиб,
Сероб, ўйлайдими ариқ очган ким?

Зеро, у беминнат бир ёнда оқар,
Эмас узоқдаги ёритмас юлдуз.
Тинса, боғи нураб, томоғи қақраб,
Силла қуришига етмайдими кўз?

Бир кун баҳри тугаб, тўлса паймона,
Қўлда пақир билан қолганда изғиб,
Тан ола биларми, ҳеч-са пинҳона
Ҳаётин берган — шу бағридан сизиб...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен денгизнинг лабида турдим,
Денгиз бўлиб чайқалди юрак,
Мен денгизнинг лабида турдим,
Унут ўзим, унут теварак.

Қуёш сочиб қизил чечагин,
Ёниб ётар тўлқинлар лов-лов...
Лекин йиғганини шафақ этагин
Назаримда, кўрмади биров...

Ҳалигина ипакдай ҳим-ҳим
Алвон тўлқин эшилган эди...
Ҳижрон азми — гулгун кўйлагим
Худди шундай ешилган эди...

Олов тўлқин туннинг ичида,
Қолиб маъюс чайқалар денгиз...

Мусибатнинг занг илгичида
Гулгун кўйлак осиғлиқ ҳануз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ноябрь.
Она-Ер устида байрам,
Диллардан юксалар осмонга қуёш,
Байрамларни сезар бағридаги ҳам,
Уларнинг умрига қўшилмайди ёш.

Ўн саккиз ёшли қиз лабидай нафис
Гул қўйдим.
Мен ёндим,
Гулларим сўлди.
Баҳорим!
Қузлигим наҳот этдинг ҳис,
Наҳот қирқ йил ёнган етим ўт сўнди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шеър демак — ўжар дўст қаламнинг изи,
Шоирни борича этар намоён:
Не тариқ ҳаётда отган илдизи,
Не тариқ қаддини тиклаб турган жон.

Бу шундай бир из-ки — қалб солланиши,
Гоҳ денгиз долғаси, гоҳи насимдир.
Гоҳ байрам... гоҳ ғусса яллиғланиши,
Дардлардан таваллуд камёб тизимдир...

Гоҳ ғурбат, дағаллик итарган кунжак,
Гоҳ муштдек юракда яшаган жаҳон.
Гоҳи узун ўтмиш, сирли келажак,
Ёшинг ўтган сари ўсгувчи армон.

Истар у: машаққат, ҳайратдай кўчсин,
Саҳрога ёйилсин сой бўлиб, яйраб.
Ойдан шуъла эмас, сўйловчи учқун,
Дардимга малҳами бўлсин мушарраф.

...Ҳамон парча-парча дилни чегалаб,
Ундан бутун қўшиқ тўқимоқ орзу...
...Инсонга берилур умр чамалаб,
Афсус: ҳукмдамас тошу тарозу...

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИНАФША

Қаҳратонда ерга тўшалганда қор,
Менинг кўнглим тусаб қолар бинафша.
Дилим таг-тагидан эрка бир виқор,
Урар чирмовиқдай хушбўй бир нашъа.

Энг хушрўй, энг кўркам гулларнинг атрин
На бўй, на ҳуснига этолмам қиёс,
Боқиёсдир ҳушни элитган баҳри,
Тун ёстиқда сўлган бинафшага хос.

Шу ҳузурни қўмсаб, қутурган қишда
Думбул баҳорларни нигоҳим излар...
Гоҳ-гоҳ бугунимиз эмас,
ўтмишдан
Иссиқ нафасларни излаймиз бизлар.

Хаёл чаманида бўй чўзиб ўтлар,
Чўлда ел ва нурда лолалар балқар.
Қўклам шарпасидан синиб сукутлар,
Тарновдан, ариқдан сув бўлиб оқар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ниҳоят, маъсумам-жажжи бинафша
Сафсарранг гулханин сочар ийманиб,
Ўнгир, ариқ бўйин тутади нашъа,
У буюк борлиққа боқар жилмайиб.

«Салом!»— дейман хаёл бинафшасига,—
Сенсиз кўнгил боғим қоларди ғариб!
...Ҳеч маст бўлганмисиз соф нашъасига,
Бошин хиёл эгиб турса жилмайиб?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎЙ ОҚШОМИДАГИ УЙЛАР...

Лола боғимизда эди бир ғунча,
Яшнаб кетди бирдан, нақ оппоқ чечак,
Ўзимиз эркалаб, севиб тўйгунча,
Муҳаббат азми-ла бўлди келинчак.

Хотирда:
дунёга келган илк тонгда
Қулоғига айтдик Навоийдан шеър.
Ким билибди унда:
балоғат онда
Буюк севги сўзин айтар Алишер.

Ва шу мард кўнглимиз эрка қушини
Ўтли қўш қанотда кетади олиб.
Икки сулоланинг қалбу ҳушини
Маҳлиё, бахтиёр тўлқинга солиб.

Ҳай қиз, биз беролган энг қимматли сеп —
Меҳр қонингдами, дилдами вафо?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тақдирлар бирлашди кўркам толе деб,
Толе берар шодлик бўлмасин адо.

Гул бўлсин сен борар янги ошиён,
Кириб бор меҳрингдан пойандоз тўшаб,
Катталарга вожиб эъзозу эҳсон,
Яйратсанг суюкли фарзандга ўхшаб —

Узинг ҳам яйрайсан,
яшарармиз биз,
Орзу очаверсин тўрт фасл чечак.
Муборак тахтингиз, боқий бахтингиз,
Суюкли куёву ширин келинчак...

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЙЛАМА ҲИЖРОННИ

Гулгина Зокировага

Куйлама ҳижронни,
мен куйлаб ўтдим,
Наҳот мен етмаган пардаси қолмиш?
Аччиқ, узун йўлин мен босиб ўтдим,
Сенга нега даркор, қайта йўл олиш?

Куйлама ҳижронни, такрорлаш нечун?
Бир фарёд минг дилни этади пора.
Кўз ёш бўлиб оқди борлиғим бутун;
На инсон, на тангри тополди чора.

Такрорлама, Гулим,
сен бахт эркаси,
Дилбар овозингга ярашар шодлик.
Бир бахтсиз севгининг битмас гиряси
Қалбингдан ўрлайди, бу не бедодлик!

Куйлама ҳижронни, гарчанд овозинг
Отаётган тонгдек нур тўла жаранг.
Куйласанг нилуфарсимон рухсоринг
Шомдаги шафақдек заъфар-ғусса ранг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нечун бу сержоду, жайрон нигоҳдан
Рухсоринг куйдириб оқар қайноқ ёш?
Гулгинам! Ҳижронда, хазонли оҳда
Ҳеч замон жамолин кўрганми қуёш?

Не-не маҳбубларнинг бисотин титиб,
Кўрдим: гўё ёш эгов экан умрга.
Мендан кейингилар йиғламасин деб
Дардим селобини тўкдими шеърга.

Сен куйла, севгининг восил ҳаётин,
Тошлар тилга кирсин,
гул очсин музлар!
Ишқ,
шодлик чулғаган диллар баётин
Куйла, лолалардай яшнасин юзлар.

Куйлама ҳижронни, гўзал Гулгинам!

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЗУГИМ СИРҒИЛИБ ТУШДИ...

Ё раббий!
Узугим сирғилиб тушди,
Ингичка тортдими, шунча, бармоқлар?
Қалбимнинг тубида недур увишди,
Тўлқинсиз қолдими танда ирмоқлар?

Зебу зийнатларга ўч бўлмадим ҳеч,
Зийнат билдим фақат замон, созимни.
Созни на кундуз, на тунда қўйдим тинч,
Елкасига ортиб қувонч, розимни...

Узук қаламимдан эди яқинроқ,
Дилим ва бармоқлар сирига маҳрам.
Ҳузур, изтиробдан тушганда титроқ
Уша эди чақнаб, мўлтираган ҳам...

Энди бармоғимни этиб кетди тарк,
Бир чоғ туҳфа этган қўллар сингари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гарчанд у эмасдир севги кирган арк,
Кетиши ҳам эмас тўлқин тингани.

Урта бармоғимга оламан тақиб,
Табиатдан устун менда ихтиёр!
Энди бу бармоқлар не кучдан қалқиб,
Нозиклашар недан, билмоғим даркор...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Онам! Сенинг иссиқ, азиз жонингни,
Заррадек чоғимдан бошлаб биламан,
Ўзим ҳам зарраю, лекин қонингни
Янгилаб жисмингдан ўзни узганман.

Сен гул жувон ҳали мендан бехабар,
Булутдай гўдаклар тортди ҳавасинг,
Энди мен сен десам қайноқ, муаттар
Ҳоврин ҳис қиламан илиқ нафасинг...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қоғоздан ёқилган гулханлар гар кўркам
Бир дамда кўк ўпар минг тилли олов.
Бир дам алақишсанг сўнади шу дам,
Ўтни тилга солиб бўлмайди дарров.

Буларнинг севгиси — гулхан ёниши,
Ўзни ҳам, атрофни этди нурафшон.
Бу оний ёниши, офтоб ботиши —
Симон ҳароратдан қолмади нишон.

Икки қирғоқ ора оққан меҳрмас,
Икки дилдаги дард — муз куйдириши,
Бир севги иккига ёрилдими — бас,
У — чироқ сўниши, туннинг кириши.

Афсус, сўнган гулхан қайта олмас чўғ,
Дарз кетган кўнгиллар бўлмайди бутун.
Гулханни сўндирган бўрон, муз тўлиқ,
Дилу кўзларини кўр қилди тутун...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен ўзимни ёмон кўраман
Заифлигим келганда ҳоким.
Мен ўзимни ёмон кўраман
Тўкар бўлса шу ҳис кўз ёшим.

Мен ўзимдан қиламан нафрат
Майда ҳислар измида қолсам.
Қувончларим кемириб ҳасрат,
Пушаймонлар измида толсам.

Мен ўзимни ёмон кўраман,
Кундан-кунга хуружда бу дард.
Хафа ётиб, хаста тураман,
Иродамга етди чоғи панд!

Наҳот, гоҳ-гоҳ етган ситамлар
Экиб кетди дағаллик манда.
Ҳис тизгинин бой берар дамлар,
Наҳот этди ўзига банда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кун ўтади,
тунга кирганда
Руҳим, қалбим эзади пушмон.
Ўтган ишга заиф қолганда
Саловат ҳам кўтарса фиғон —

Чирпинмакдан бўламан адо,
Қексаликка ёғдириб лаънат.
Кундан-кунга бу дард бедаво,
Кундан ортар ўзимга нафрат,

О, ўзимни ёмон кўраман...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚЎНГИЛ...

Кўнгил, нега бугун беморсан ва мўрт,
Қўнгил, нега бунча таранглиқда тор?
Қўнгил, эркалигинг, ўктамлигинг ют,
Тан ол, охир энди баҳорингда қор.

Қўнгил,
бўлма шиша сингари синиқ.
Беҳуда, бир сўз ё нигоҳдан чил-чил?
Борлиқни сиғдирган булоқ бўл, тиниқ,
Ўзни ўзинг босма оғир юк шекил.

Пароқандаликни от, ғурурингга боқ,
Бўлса зарра ўксик орт елкасига.
Ғуруринг — бардошли вужудинг сиёқ,
Ярайди, эл иши, ташвишларига.

Элда юмушлар кўп: экмоқ, ундирмоқ,
Бутун ер юзида ҳаёт сочсин гул.
Ёвузликни олов олмай сўндирмоқ,
Токи, инсон яшай олсин хушкўнгил!

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎНГИЛ ТОҒ ЎЛДИ, ТОҒ ЎЛДИ

Жаҳонотин Увайсий ўз таваллудларининг 200 йиллиги тантанасини кўрганларида шундай барҳаётлик наъмини айтган бўлур эдилар.

Аё дўстлар, бу не даврон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Асрлик зулм уйи вайрон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.
Улус обод, ҳама шодон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Ки ҳайрат ҳам ўзи ҳайрон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Бу янглиғ бахт-саодатдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Билурмен, ҳасрату ғам таҳ-батаҳ бизнинг ғазалларда,
Нечунким, эл учун зиндон эди дунё азалларда,
Ҳақиқат ҳам, адолат ҳам очарди юз масалларда,
Жафо тахт йўқ, қаро бахт йўқ, ҳамма офтоб
назарларда,
Бу тенглик, бу камолатдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Синибдур гумбази зулмат, ҳуррият барқарор охир,
Тасанно, биз аёл аҳлига шаън-иқбол шиор охир,
Саодат шеваси солмиш кўнгилга шавқ-шарор охир,
Яловдир шеър, кел эй, хушнуд дилингни эт нисор охир,
Бу эҳсондан, бу давлатдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки юз йил суронидан омон чиққан саботдирман,
Ватан бир бахт, менам бир бахт, икки нурли
қанотдирман.

Ажаб толе жаҳон ичра тағин бул кун ҳаётдирман,
Каломим бирла номим парпироқ мангу баётдирман,
Бу эъзозу бу ҳимматдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Дилимни шамъ қилиб эрдим, бу даврон минг чароғ
ўлди,
Ўғил-қиздан жудо эрдим, менга авлод қароғ ўлди.
Ки рўзғорим хароб эрди, элим бошга паноҳ ўлди,
Не сўз айтдим, қаро ўтмишни фош этган яроғ ўлди,
Замон берган бу қудратдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Бу ёнда Нодирабегим, бу ён Маҳзуна лутф этса,
Назмгўйлик тузар бўлсак, кўнгил торин қувонч чертса,
Умидни шеър этиб сочсак, туман дилга бориб етса,
Неча Гулчеҳралар озод, куйингга жўр бўлиб кетса,
Бу хил мумтоз шуҳратдин кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Увайсий, боқ бугун юртда назм — толе, зако қонун,
Муҳаббатга адо қонун, садоқатга вафо қонун,
Ки булбул чах-чахи янглиғ қўшиқларга садо қонун,
Ташаккур, қадру ардоққа, сенга умри бақо қонун,
Ажаб камёб бу қисматдин кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ниятим, айтажак сўз, зорларимга
Муштдаккина юрак лим-лим тўлибди.
Сийраклашган киприк ораларига
Бедорлик соқчиси уя қўйибди.

Бор бўл, шундай тақдир!
Зийрак бўл, соқчи,
Даримасин уйқу эгзаги — ғафлат.
Лекин ланжлик деган маккор қароқчи
Бош суқса сенга ҳам ўқийман лаънат!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАЛАДА ҚУЗ

Нафис баҳор ўтди,
Чақноқ ёз ўтди:
Тупроқ узра қуёш шуъласи.
Ерга инмас унинг ҳам ўти,
Ҳориб,
Чарчаб ётар ўлкам даласи.

Кўзларни,
Дилларни яйратди кўрки,
Шоиру рассомга бахш этди илҳом.
Гўё тушганидай бошидан бўрки,
На чаман,
На полиз,
На пахтазор — ном...

Кўзлардан,
Диллардан нарида унут,
Фақат ўз танида боради юмуш.
Онадай саҳий-ю, бир тамаъсиз юрт
Ҳосилини тўкиб, ётар бежунбиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Худди кексалар ҳам
Шу тупроқсимон,
Юзларини кесган саноқсиз ажин,
Шамолсиз иқлимда ётган нақ уммон,
Аммо на фикр, ўй тин олади жим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛАВҲА

Шом келар узоқлардан бўшанган боғ қўйнига,
Йўл-йўла ичиб шуъла.
Тўкилар осилишиб заъфар барглар бўйнига
Ёз тўқиган ашула.

Ўз ҳолига кексарган ҳар дарахтда бир гулхан,
Тавсиф йўқ менда рангга.
Бетховен мусиқаси гўё борлиқни тутган,
Ер-кўк мафтун жарангга.

Алвон қўшиқдай лов-лов ёнади ниҳол гилос,
Кузранг чеҳрамда акси.
Токда чайқалса боғбон унутган бир бош чарос,
Қалбимда ширин рақси.

Яшил либосда ҳамон чинору арғувонлар —
Кекса сумбатда бардош.
Наздимда, урушларда бева қолган жувонлар
Бардошда унга тенгдош.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўлиқ, тилла бошоқлар боғламига ўхшайди
Ниҳол анор туплари.
Хил-хил дарахт, хил-хил куз,
ўз рангида яшнайди,
Ўзича қўшиқлари.

Ариқда тиниқ-тиниқ, милдир-милдир оққан сув
Шеваси дилимга хуш.
Кекса ялпиз бўйлари уйғотса яшил туйғу,
Менда йиллар фаромуш.

Кўкда:
бир ёқда қуёш, бир ёқда кезар булут,
Кўксида ухлар туғён.
Жанубга учган қушлар қолдирган салом бўлиб
Эшилса ипак мезон —

Латиф, ёрқин туйғулар куйга қоришиб дилда
Берса баҳорий қувонч,
Наздимда: бўғотимга қўйиб кетган инига
Йўл олади қалдирғоч.

Уфқларга сирғилиб кетиб улгурмайин кун
Дилимдан аллам юлиб —
Кўксидан салқин-салқин тушади
ер узра тун,
Ой чиқар дуркун бўлиб...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бахтим бор:
ажойиб кишилар аро
Туғилиб, гуркираб...
кексаяр умрим,
Ўшалар шеъримга бахш этган садо
Ҳаётим йўлини ёритган нурим.

Бири юзларимга бахш этар кулгу,
Бири қонларимга солар ҳаяжон.
Бири олға чорлар бўлиб оқ орзу,
Бири дер: ҳаётсан, юр орзу томон.

Ҳали қалбинг жувон юрагидай ёш,
Асаблар кўтарар тоғни ортсанг ҳам.
Кўзингга,
қонингга олавер қуёш,
Ҳали кўп тебранар қўлингда қалам...

www.ziyouz.com kutubxonasi

О, ЭРТАМ, ЭНГ ГЎЗАЛ АФСОНАМ

Кўксимда қўзғалиб вулқондай кўчкилар,
Нақ метин муз қатлам сукути чок-чокдан сўкилди.
Чақмоқли сония парчалаб, кўздаги уйқулар
Шафақда тонг отиб, ол-алвон мўъжиза кўринди.

Бошланди тонг билан шом аро бу жонда пайдар-пай
Туйғулар ва ўйлар қоришиқ-шиддаткор баҳслари.
Авжига боз чиқиб, нурсимон қуйилар мунгли най,
Эришдай юракнинг тизгинсиз лўлидай рақслари.

Яшнашин қуёшга ўхшатсам кўзларим қамашмас,
Шуъла-ю, ёғувчи юлдузлар шарросин сезаман
теграмда,
Дил ҳеч он тойганмас,
Имондан адашмас,
На шодлик,
На ғурбат қуюндай ёприлиб келганда.

Занг босмас ҳайратим яратган мўъжиза қўшиқми,
Парт бўлмай юлгани қай узоқ оташдан нишона?
Фусункор наҳорлар шавқидан бўлиқми,
Хазонрез кечки куз умрга эш тушган
бу гўзал афсона?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу гўзал афсона — сен, Эртам!
Илтижо, ҳеч кетма ва лекин, келмасанг майлига,
Қалб мўртроқ, ҳудаю беҳуда излардан жуда мўрт
кўприги.

Ташаккур айтаман шу оннинг
Шу қўққис ҳиммatли зайлига,
Умримни безатган тилмочим, чарчамас
илҳомнинг энг зукко кўҳлиги —

О, умид Эртаси!
Йироқлаб юрсанг ҳам кунларим эркаси, афсона,
Эҳтиёт илтифот,
Жон тўла қадаминг жодусин илғайман.
Муқаддас ва камёб сирларнинг ўтида
бир яйраб, минг ёна
Чах-чахдан лаззатли бир ёрқин ҳузур-ла
йиғлайман.

Ва такрор англайман,
Келишинг бир туҳфа!
Дил номли каъбамда
Қалбимдан саломат сен содиқ навқирон эътиқод.
Уйдирма хулёмас,
Уткинчи хаёлмас, бу кузги саждамда
Зикр этсам, чидам бер, Ёвузга таслимдан
этиб тур эҳтиёт!

Чақнадинг, баҳорий тус кирди кузимнинг
заъфарон рангига,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Даф этдинг мен кирар йўлларнинг
кундан-кун торлигин.
Чорладинг, жонимни ташладинг тенгсиз куч,
жасорат жангига,
Англадим: Лутфийдек куйласам буюк
дард ва қудрат борлигин!

Сен қучдинг:
Эртакдай қиш бирдан юмалаб бўлди ёз,
Ланжликни куйдирди серҳузур саратон,
жазира.
Биламан: севгидан самода чирпирак
парвозлар қайтмас боз,
Не десам, беқиёс у ишқли йилларим кўркига
назира!
Эмассан жалада кўлларни савалаб безатган
бир ҳубоб,
Инсоннинг ҳеч битмас умиду ишқидан нишона.
Ҳар тонги — бир варақ, ҳар шоми элга эш
толедан бир иншо, битта боб,
Ҳаётнинг ҳеч қачон узилмас ришгаси борига
ишона-ишона —

Битилгич битта шеър!
Ҳар сатри кўксимда етилиб тирилтган,
Дарди ҳам қувончи борлиғим забт этган
жарангли, залварли.
Ташаккур, яна мен тирикман,
керакдан-керакман,
Сабрга бўйсунган фикр-ўй шиддатли,
бир ширин ғамзали, ғалвали.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қарайман:
Афсона тўлдириб хазонлар тўшалган остонам
Менга деб тунда ҳам шам эмас, қуёшни ёқади.
Гоҳ нари кетади!
Мен — куз!
У — саратон! Лек бугун мастона, мастона
Маҳрамдай нигоҳин узолмай, гулхандай
қалбимга боқади.
У асли, ҳақиқат камоли, абадий эзгулик тангриси,
Ғанимат шу лаҳзам кўзи-ла беҳудуд
Иқболга боқишим — ҳақиқат.
Ҳақиқат — афсона яратар умримнинг ҳар кези,
Тунларим юлдузли онига ишончим,
Имоним, Олқишим —
Ҳақиқат.

Мен сени, эй тансиқ афсона, ҳали кўп
чамандай кўкартгум,
Баҳорнинг рангига янги ранг, соз жаранг
кашф қилиб этгум бахш.
«Боши ҳеч оқармас қалам»им[1] учида
қуёшга яловдай кўтаргум,
Бу элда кексармас ва чўкмас кўнгиллар
бахтини — бахтим деб этгум
нақш!

[1] Сулаймон Рустам сатри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАСОРАТ

(Анна Ахматовадан)

Нелар тарозуда букун ҳаётимизда,
Ва нелар юз берар — биламиз аён.
Жасорат нуқтаси соатимизда,
Жасорат тарк этмас бизни ҳеч қачон.

Қўрқитмас қириши бизни ёв ўқи,
Бошпанасиз қолмоқ солмайди даҳшат.
Ва таслимдан сақлаб ўтиб рус нутқи
Ҳурликда, софликда абадулабад.
Аср-асрлар ва набираларга
Топширамиз сени,
Буюк Рус Сўзи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Анна Ахматовадан)

Юртин ёв қаҳрига ташлаб кетганлар
Бўлолмас ҳеч қачон ҳамроҳим меним.
Маҳлиё этолмас мадҳу найранглар,
Уларга бермасман битта ҳам шеърим.

Лекин мисли тутқин, мисоли хаста
Ҳамиша аянчли сенга қувғин жон.
Мусофир, йўлларинг қора зулматда,
Ҳеч вақт ширин бўлмас ёт қўл берган нон.

Бу ерда, ёнғинлар аччиқ дудида,
Қолган ёшлигимиз этаркан қурбон,
Эл бошига тушган кўргиликлардан
Ўзимизни олиб қочмадик бир он.

Биламиз, келажак қилар сарҳисоб,
Қийматин топади ўтган ҳар соат.
Лек биздай кўз ёшсиз, оддий ва кибор
Одамлар бўлмаган жаҳонда ҳеч вақт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Марина Цветаевадан)

Мен шоирманми, ҳали билмаганим чоғ,
Чунон эрта ёзган менинг шеърларим
Нақ ракеталар отган учқундай чатноқ
Фавворалар сочган ўт қатраларим.

Мудроқлик, руҳ ҳоким ибодатхона
Ичра ўзин урган иблисчалардек,
Шеърларим... ёшлигу ўлим бобида
Ёзилган шеърларим, нақ нокеракдек —

Дўконларда ётган босиб чанг, тўзон,
(Қўлга олинмаган, олинмас ҳеч вақт.)
Худди қимматбаҳо, ноёб майсимон
Менинг шеърларимга ҳам келади навбат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Марина Цветаевадан)

Севги! Талвасада, тобут қаъридан
Тортиниб, интиқиб талпингум қувноқ!
Севги! Гўр лабида, булут бағрида
Туриб ҳам демасман сенга, алвидо.

Берилмаган ахир, жуфт ўт қанотлар
Юрсин деб юракка ортиб ғам юкин.
Йўргакли, кўз юмуқ, безабон зотлар
Нуфузига қўшмам яна бир юпун.

Қўлларим қутқариб, ростлайман қаддим,
Ишқ! Сени ўлимдан сақлайман омон.
Мен унга ўт қўйсам минг-минг чақирим
Ерларда қор қайнаб, ёнади ўрмон!

Лекин қанотларим, кифтим, тизларим
Букиб шум ҳукмига бера қолсам тан.—
Бу — ўлим устидан кулиб, эзганим,
Бу — мен шеър бўлганим, бўлганим гулшан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁШЛИК

(Десанка Максимовичдан)

Ёшлик, ёшлик!
Эмиш: йўқоласан эриб нақ сароб.
Менми, ҳали сен-ла видолашмоқчи?
Мен қалбим ёнига қувонч, изтироб,
Эрмакдан қўяман энг сергак соқчи!

Сирли боғин ўраб мисли сеҳргар,
Атрофига экгум чирмовуқ, қайин.
Кўм-кўк жилға билан ўраб нақ камар,
Кексалик шарпасин яқин қўймайин.

Тўшайман шабнамли ям-яшил ўтлоқ,
Совуқ бўронларни қўяман авраб.
Токи муз қопласин теварак-атроф,
Тепаларда қуюн қутурсин яйраб.

Наҳот тарк этасан мендай дугонанг!
Айт, бахтдан ким мендай тўкар сел ёшин.
Бегизгин туйғу гоҳ этиб девона,
Гоҳ бахтдан ким мендай бўлолар сокин?
Ёшлик, ёшлик!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг дилда офтоб ёнгандай ёнар,
Айт: юрагида ҳислар бемоне?
Борми мендай содиқ
Ҳалол гуноҳлар
Ҳузурли ҳукмига мен каби тобе?
Ёшлик, ёшлик!

Дейдиларки, барча азоб, ороминг
Мендан бир умрга кетасан олиб.
Менми, тан олувчи бу мудҳиш доминг,
Ҳаётда яшовчи бетақдир қолиб?!
Йўқ! Қалбим ёнига соқчи деб муқим,
Қўяман ягона тақдирим — ишқим,
Ёшлик, ёшлик!

Сен учун экаман баҳорлардан боғ,
Гулу майсалардан нафас олгайсан.
Ял ёнган кундузга бир интизор чоғ
Қуёш, юлдуз, тонгнинг йўлин тўсай ман...

Сен ҳам ҳийла-найранг йўлидан ногоҳ
Кетмоқ истамайсан айрилиб мендан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Тонг 3
Йиллар 5
Сени куйлайман, ҳаёт 8
Кел, баҳор 10
Салом, тансиқ баҳор 12
Нақадар ер жамоли ажиб 14
Гул қўшиқлари 15
Тўртликлар 18
Озод шарқ аёли (кантата)
Бунча қисмат шўр экан 20
Эшитаман нажот овозин 21
Жанг боради 22
Ассалом, офтоб 23
Дуторингни қўлга ол 24
Юлдузга қўнган ўзинг 25
Бўлсин халқ омон 26
Демак, баҳор келди 27
Менга хасис келди табиат 30
Юлдузлар алласи 31
«Тинмай оғрийди бошим...» 32

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Сен дейсанки...» 33
Ўриклар гуллар 34
Дўстларим 36
Шоир уйида
Учрашув 37
Бир дона папирос 38
Қўшиқ 40
Икки шеър
Қўноқ 44
Бу кунларда уйда эмасман 46
Кечир, ёшлик 49
Ўн саккиз ёшли 51
Экрандаги юрак 53
Уни қўзғатдилар 54
На гўзал дамлар бу 57
Оташпарастлар 59
Ёмғир 61
Янги ерлар 63
Гулзор 65
Хушҳоллик 67
Онам боғи 68
Болакай 70
Мен бўлмасам 72
Билгим келади 74
Шошма ҳали 76
Умрим карвони 80
Бу куннинг шеъри 82
Тунни севмай қўйдим 84
Саҳар мен билан 86
Эй, дил 88

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўстга марсия 90
«Ҳаётдан шоира...» 91
«Гоҳ-гоҳ бир дақиқа...» 92
О, ижод... 93
Ўтли томчи 96
Туҳфа 97
Олдингда оққан сув... 98
«Мен денгизнинг лабида турдим...» 99
«Ноябрь...» 100
«Шеър демак...» 101
Бинафша 102
Тўй оқшомидаги ўйлар 104
Куйлама ҳижронни 106
Узугим сирғилиб тушди 108
«Онам, сенинг иссиқ, азиз жонингни...» 110
«Қоғоздан ёқилган гулханлар...» 111
«Мен ўзимни ёмон кўраман...» 112
Кўнгил 114
Кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди... 115
Ниятим 117
Далада куз 118
Лавҳа 120
Бахтим бор 122
О, эртам, энг гўзал афсонам 123
Жасорат (Анна Ахматовадан) 127
Юртин ёв қаҳрига ташлаб кетганлар... 128
«Мен шоирманми...» (Марина Цветаевадан) . . 129
«Севги...» 130
Ёшлик (Десанка Максимовичдан) 131

www.ziyouz.com kutubxonasi

На узбекском языке

ЗУЛЬФИЯ (ИСРОИЛОВА)

МЕЖДУ ВОСХОДОМ И ЗАКАТОМ

Стихи

Редактор Р. Абдурашид
Рассом В. Немировский
Расмлар редактори А. Мамажонов
Техн. редактор Н. Сейдуалиева
Корректор Ш. Собирова

ИБ № 3437

Босмахонага берилди 19.07.85. Босишга рухсат этилди 09.09.85. Р-14976. Формати 60×90¹/₃₂ Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 4,25. Шартли кр.-оттиск. 4,5. Нашр л. 3,5.Тиражи. 15000. Заказ 1815. Баҳоси 50 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси, Тошкент — 700 129. Навоий кўчаси, 30

www.ziyouz.com kutubxonasi